Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№43 (297) 2002-yil 30-oktabr

"Ҳуррият" сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!



Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.

Арафа

АЙЁМИНГ МУБОРАК, ҚАДИМ ШАҲРИ КЕШ!

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйи тантаналарига саноқли кунлар қолди

Асрлар оша аждодлардан авлодларга кўприк бўлиб келаётган тарихий шаҳарларимиз ва ундаги обидалар истибдод йилларида оёқ ости қилиниб, халқимизнинг маънавий бойлигига тажовуз қилинган эди.

Ана шундай даврларда Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиз қаровсиз қолдирилди. Кўпгина обидалар бузилиб, ундаги қимматбаҳо ашёлар аллақайси жойларга олиб кетилди. Қайси бир босқинчи эрмак учун баланд минораларимизни тўп билан ўққа тутди.

Аммо халқимизнинг асрлар оша орзу қилган кунлари етиб келди. Мустақиллик туфайли қадим урф-одатларимиз тикланиб, кўҳна тарихимиз халқимиз бойлигига айланмоқда. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистоннинг янги тарихи яратилмоқда. Азим Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги кенг нишонланди.

Яқин кунларда эса бой тарихга эга қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги нишонланиш арафасида.

2000 йилнинг декабрида ЮНЕСКО котибияти қарори билан Шаҳрисабз шаҳри бутун жаҳон ёдгорлик шаҳарлари рўйхатига киритилди.

Бундай қарор қабул қилинишига сабаблар талайгина, албатта. Жаҳон фани оламига машҳур Тешиктош ва Омонқўтан ғори оралиғида жойлашган Кеш ҳам инсониятнинг энг қадимги манзилгоҳларидан бири ҳисобланади.

Қадимшунослар Қашқадарёнинг юқори қисмини ўрганиб, у ерда 20 дан ортиқ ибтидоий масканлар ўрнини топдилар. Ўзбекистон Миллий Университетининг қадимшунос олими А. Сагдуллаев бошлиқ илмий экспедиция Шуробсой тизимида ўтроқ деҳқончиликка асосланган манзилгоҳни қайта ўрганиб чиқди.

Улар ўтказган тадқиқот натижасида Сангиртепадан 650 метр шимолдаги Узунқирда милоддан аввалги VII-VIII асрларда бунёд этилган катта шаҳар манзилгоҳи топилди. Бу шаҳар девори 70 гектар майдонни эгаллаган. У энг қадимги маскан бўлиб, тарихий шаҳар сифатида унинг ёши 2700 йилга тўғри келади.

Милоддан аввалги 329 йилда Ҳиндикуш тоғи орқали ўтган Искандар Зулқарнайн билан бирга келган юнон тарихчилари қадим Кешни Наутака, яъни "Янги жой", "Маконо", "Янги манзилгоҳ" ёки "Шаҳар" маъноларида аташган.

Кеш шаҳри Оқдарё қирғоғида қурилган бўлиб, қадимда Суғдиёнанинг пойтахти ҳисобланган. Қадимги Кеш вилояти Зарафшон тизмасидан бошланиб, ҳозирги олти туманни – Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Ғузор, қисман Чироқчи ерларини ўз ичига олган.



ШАҲАРЛАР ОНАСИ

СУРАТЛАРДА: 1. Шаҳрисабзда Соҳибқиронга ўрнатилган ҳайкал. 2. Дорус-саодат мажмуаси. 3. Юртбошимиз Ислом Каримов Шаҳрисабз аҳли билан.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Юқори Қашқадарё воҳасининг шарқий қисми тоғ ва тоғ олди ҳудудларидан иборат бўлиб, 8 минг квадрат километрни ташкил этади. Худди мана шу қадимий Кеш Соҳибқирон Амир Темурдек фарзандни, Ватаннинг доно халоскорини етказиб берди.

Ҳазрат Амир Темурнинг дунёқараши Кеш муҳитида шаклланди. Шаҳрисабз Амир Темур ва унинг авлодлари замонида Марказий Осиёдагина эмас, балки Шарқнинг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири сифатида эътироф этилди.

Бобомиз Амир Темур ота юрти Шаҳрисабзга алоҳида меҳр билан қараб, бу муқаддас заминда осмонўпар Оқсаройни қурдирди. Низомиддин Шомий Оқсаройнинг қурилиши ҳақида қуйидагича ёзади: "Баҳор фасли келгач (ҳижрий 781, милодий 1380 йил), Кеш шаҳри қурилишига олий фармон берди ва у ерда Ҳисор бунёд эттирди. Шу ўртада Оқсаройни ҳам бунёд қилдилар. Унинг пештоқ ва равоқларини Айюк (юлдузига)ка етказдилар, чунончи бирон кимса жаҳонда унга тенг келадиган иморатни қурмаган ва эшитмаган эди."

Испания элчиси Рюи Гонсалес де Клавихо 1404 йилда Шаҳрисабзга келган вақтда Оқсаройни кўриб, ҳайратини яширолмай, "Париж аҳли ҳам буни кўриб ҳайратланган бўлур эди. Бу ишлар уларда ҳам ғоят гўзал ҳисобланган бўлур эди", деб тасвирлаган.

Ана шундай бой тарихга эга Шаҳрисабз бугунги кунда ҳам гуллаб яшнамоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида шаҳарда талайгина ибратли ишлар амалга оширилди. Оқсарой, Коба, Чорсу, Кундузак, Оғалиқ, Кўкгумбаз, Чўбин каби ёдгорликлар мажмуи таъмирланди. Шунингдек, шаҳар марказидаги Соҳибқирон Амир Темур хиёбонида ишлар қизғин олиб борилмоқда.

Янгича кўрк ва чирой очаётган Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйига ҳозирлик кўрилмоқда. Бутун Шаҳрисабз аҳли бугун ўз шаҳарларининг 2700 йиллик тўйини дунё халқлари билан биргаликда нишонлаш арафасида.

Тарих саҳифаларида яна бир ажойиб улуғ кун битиладиган бўлди. Қадим Шаҳрисабзни бизларга аждодлар қуриб қолдирган эди. Биз уни авлодларга бус-бутун етказишимиз керак. Токи, авлодлар орасида бу қадим обидалар кўрк бўлиб қолсин.

Назар ҲАКИМОВ,
Қашқадарё вилоят ҳокими ўринбосари

Тараннум

ЯШИЛ ШАҲАР

Мен ажиб хаёлий
жаҳонгаштаман,
Бажариб дўстларга
берган лабзни.
Ёлғиз китоб ўқиб,
берилиб тамом,
Беармон сайр
этдим Шаҳрисабзни.
Кўнгил маҳзун бўлса,
китобни қучиб,
Кезиб очиларкан
кишининг таъби.
Энтикдим, фазогир
фазога учиб,
"О, яшил сайёрам!"
дегани каби.
Кўрдим тасвирларни —
яшилдур шаҳар,
Кундуз қуёш яшил,
тунда ой яшил.
Унда ариқ яшил, —
яшилдир сувлар,
Унда тарих яшил —
Оқсарой яшил.
Гарчи бу хаёлдир,
сайр этиб, учиб,
Англадим, ҳис этдим
мен бир рамзни:
Яшил сайёрани
севмоқлик учун
Севмоқ керак экан
Шаҳрисабзни.

Мирзо КЕНЖАБЕК



УШБУ СОНДА:

ҚЎШИБ ЁЗИШ

бу иллат жиноятга етаклаш, маънавий зарар келтириш баробарида давлат хазинасига ҳам путур етказмоқда

ҒОФУРОВ БОСҚИНЧИ ЭДИМИ? 2

ёхуд Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2002 йил 12 июндаги ҳукмига муносабат

АСОСИЙ ҚОНУН ВА МАТБУОТ

Террор: 3

47 та йирик қирғинбарот урушлар қайд этилган. Натижада 151767000 киши ҳаёт билан видолашган.

Қотил ота кўз ёшлари 4

Сукутнинг тагида нима бор?

Обуна — 2003

Мирзабек ХОЛМЕДОВ: «Ҳуррият»да ҳаёт ранглари!



Ҳаёт ранг-баранг бўп кетди, азизлар! Ёдингиздами, илгари машиналар фақат 3-4 хил рангда бўларди, "эътиборли"роқ рангдагисидан олай деб, "шапка" бераверириб, шапкасидан айрилганлар бор. Ҳаёт ранг-баранг бўп кетди, азизлар !!!

Ҳозир хоҳлаган рангдаги машинани учратасиз. Ҳатто биз билмаган рангларда машина чиқаришяпти. "Шампанское", "Тилла қўнғиз", ҳеч ким йўқми..."прокурор"!

Яқинда машинамни "туртиб олган"дим денг, устага олиб борсам, бўёқларини қириб, шпаклевка суриб, роса қашқа қилди. Сўнгра:

— Ока, уч-тўрт кун юриб туринг, шпаклевка қурисин, кейин бўёқ қилсак, чиройли чиқади, деди.

"Бирор таниш кўриб қолмасин", деб тонг саҳарда машинамни устахонадан олиб, йўлга тушдим. Светофорда бир "Мерседес" ёнимга тўхтади. Мешдай келадиган қора кўзойнакли бошини чиқариб сўраяпти:

— "Десант", оғайни "десант", дедим мағрур ўтириб, газни босарканман... Ҳаёт ранг- баранг бўп кетди!

Биноларни айтмайсизми! Илгари фақат оч кул ранг, цемент ранг "мода" эди холос. Энди-чи! Бир қаранг, қизил, сариқ, "зелёнка", "мармар", ҳатто чолвор рангида ҳам бўяшяпти. Тавба, мумкин экан-ку, ҳаётни ранг-баранг қилиш!

Ҳаёт ранг- баранг бўп кетди, биродарлар!. Газеталарни қаранг! Номини айтиб адо қилолмайсиз. Ҳар бирига битта ўқувчи! Ўз мухлиси бор-да!

Раҳбари топшириқ берган эканми, "чиройлироқ рангда, давлат тилида ёзасан" деб, сайлгоҳдаги ўриндиқларни ранг-баранг қилиб бўяб қўйишибди. Бир четига кўринадиган қилиб, давлат тилида "OKRASHENO", деб ёзиб қўйибди ўриндиққа барака топкур бўёқчимиз.

Бир оздан сўнг бир гўзал келиб, ўриндиққа назар солиб:

— Савил, шу ердаям реклама-я, дея секин қўлларидаги газетани ёйиб, дам олишга ўтирдилар. Дамни олиб, туриб кетаётса, кўчада "кечагининг хумори" тутиб келаётган акахон қичқириб қоптилар:

— Ҳей, с-с-синглим, орқангиз... ёпишиб қопти-ку!

— Жинни-пинними бу, КАМРОҚ ичсанг, ўласанми?, дебдилар опамиз.

Акахоннинг қулоғи ўткир экан, жавоб қилаётганмиш.

— "Ҳамроҳ" эмас, с-с-синглим "Да-рак-чи"!

Ҳаёт ранг-баранг бўп кетди! Ана шу ранг-баранглиқни сиз "Ҳуррият" газетасида албатта учратасиз! "Ҳуррият" сизники, сизу-биз "Ҳуррият"ники бўлайлик, азизлар!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! "ҲУРРИЯТ"ГА 2003 ЙИЛ УЧУН ОБУНА МАВСУМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. СЕВИМЛИ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Хабар

ЯПОНИЯ МАТБУОТИ

2002 йил 26 октябрь куни Халқаро Бизнес марказида жойлашган Ўзбек – Япон маданият марказида "Японияниг бугунги матбуоти" мавзуида суҳбат бўлиб ўтди.

— Бугунги Япон матбуоти тарихи XVII асрга бориб тақалади. Ўша даврда газета Осака шаҳрида ибтидоий усулда, яъни хумдонда қуйдириш йўли билан босиб чиқарилган, дейди, яқинда қунчиқар юртда сафарда бўлиб қайтган Ўзбекистон радиоси "Ахборот" бош муҳарририятининг бош муҳарири ўринбосари Азим Пўлатов япон матбуоти тарихи ҳақида сўз юртар экан.- Бугунги кунда Кунчиқар мамлакатда кунига 72 миллион 576 нусхада газеталар чоп этилаётир. Бу ҳар минг япон фуқаросига 576 нусхадан газета тўғри келади, деганидир. Шу боис Япония газета журналлар нашр қилиш борасида дунёда биринчи ўринни эгаллаб турибди. "Иоимури Симбун", "Асахи Симбун", "Майнити Симбун", "Ниҳон Кейзай" каби газеталар муштарийлар томонидан севиб ўқилади.

Япония матбуотининг бугуни ва эртасига бағишланган суҳбатда маҳаллий халқнинг Оммавий Ахборот воситаларига бўлган муносабати, журналистларнинг касб маҳорати, қалам аҳлига яратилган шарт-шароитлар, миллий журналист кадрлар тайёрлаш борасида ўз ечимини кутаётган муаммолар хусусида ҳам сўз борди.

Учрашувда журналистлар ва талабалар матбуотга оид қизиқтирган масалалар бўйича фикрлашдилар.

Азамат ЗАРИПОВ,
ЎзМУ журналистика факультети талабаси

Ҳамкорлик

Дарсликлар тақдимоти

Халқ таълими вазирлигида ўрта мактабларнинг 5-, 6-, 7- синф ўқувчилари учун француз тили дарсликлар тўплами тақдимоти бўлиб ўтди. Маросимда Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жак Анре Костий ва Республика Халқ таълими вазири Рисбой Жўраевлар таълим соҳасида икки мамлакат ҳамкорлиги ривожланиб, катта самаралар бераётганини айтдилар.

Мазкур тўпламга ўқувчилар дарслиги ва машқ дафтари, шунингдек, "Ўқитувчи учун китоб" услубий қўлланмаси киритилган. Таъкидланишича, 5-, 6- синфлар учун 12 минг дарслик ва 2 минг "Ўқитувчи учун китоб" қўлланмаси, 7-синфлар учун эса 32 минг дарслик ва 2 минг нусхада ўқитувчилар услубий қўлланмаси нашр этилган. Ушбу дарсликларни нашрга тайёрлаш ишлари француз мутахасислари иштирокида 2000 йилда бошланган эди. Шу муносабат билан юртимизга бир неча марта ташриф буюрган бир гуруҳ француз мутахассислари Франция Ташқи ишлар вазирлиги томонидан моддий таъминланган /376.000 француз франки/.

Дарсликлар жорий йилда Осиё Тараққиёт Банки томонидан берилган кредит / 1.043.450 француз франки/ ёрдамида босмадан чиқарилди.

Шерзод МУҲАММАДИЕВ

Дараклар

КИМГА ЎҒИЛ, КИМГА ҚИЗ КЕРАК?

Британияликлар яқин орада бўлажак фарзандларининг жинсини олдиндан танлаб фарзанд кўриш имконига эга бўладилар.

Тўққиз йил муқаддам фарзандининг ўғил ё қиз бўлишини олдиндан билиш масаласига Буюк Британия аҳолиси катта қизиқиш билдирмаганди. Бироқ, олимлар бу масалада жиддий ютуқларга эришдилар. Шу боис, ҳукумат ушбу масалада рухсат этувчи қарор қабул қилиш олдидан яна жамоат арбоблари ва олимларнинг хулосаларини йиғди.

Маълум бўлишича, оилада наслий касалликка эга бирор эр ёки хотини борлар, шунингдек, "оила мувозанати"га эришмоқчи бўлган кишиларга олдиндан фарзандининг жинсини танлашга рухсат этилади.

Бу унча катта янгилик эмас. Чунки британияликлар ҳозир ҳам истаганларида АҚШдаги махсус тиббиёт муассасаларидан бу борада ёрдам олиб турибдилар. Чунки у ерда бу масалада ҳеч қандай таъқиқ мавжуд эмас.

Шунга қарамай, мамлакатда бу борада ҳамон яқдил фикр йўқ. Хусусан, кўпайиш этикаси ҳаракати фаолларидан бири бўлган Жозефин Куинтавал "Болаларни лойиҳалаштириб бўлмайди. Ҳеч қачон, ҳеч кимга бунга рухсат берилмаслиги керак", деган фикрда қатъий турибди.

"ТИНЧЛИК УЧУН КОАЛИЦИЯ" БАЁНОТИ

Эроннинг Теҳрон шаҳрида жаҳон ахборот агентликларининг "тинчлик учун коалиция" деб номланган халқаро форуми бўлиб ўтди. Икки кунлик баҳс мунозалардан сўнг қатнашчилар якуний баёнот қабул қилдилар. Унда дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишида оммавий ахборот воситаларидан кенгроқ фойдаланиш лозимлиги таъкидланади.

"Оммавий ахборот воситаларининг маданий ва ижтимоий тафовутларни кўрсатиш ва муҳокама қилишга уринишлари маданиятлар ва тафаккурлар хилма-хиллигининг илк илдизларини таништириш мақсадида амалга оширилмоғи ҳамда бу ўринда низо ва душманлик илдизларини кучайтириб кўрсатишдан тийилмоқ лозим...

Тинчликсеварлик позицияларининг мустаҳкамланиши ҳамда ижтимоий ва маданий ўзаро тушунишга эътибор мустаҳкам сиёсий тинчликка эришиш учун энг биринчи навбатда кераклидир," дейилади баёнотда.

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Журналист суриштируви

ҚЎШИБ ЁЗИШ

бу иллат жиноятга етаклаш, маънавий зарар келтириш баробарида давлат хазинасига ҳам путур етказмоқда

Юқоридаги сарлавҳа ва тагсарлавҳани ўқиб, беихтиёр "Йўғ-е, бўлиши мумкин эмас!" дея хаёлан хитоб қилган газетхонлар ҳам бор, албатта. Уларга, "йўқ эмас, бор, бугунги кунда бўлган бу воқеалар, тарихий гаплар эмас" деб олдиндан айтиб қўймоқчимиз, ва уларга қўшилиб, биз ҳам "Наҳотки, кимга, нимага керак қўшиб ёзиш, илгари-ку Ўзбекистонга тўлдириб бўлмайдиган режани юклаган Масковга "план бажарилди" деб ҳисобот бериш учун бундай кўзбўямачиликларга қўл уришга мажбур бўлган эдик, бугун — кимни алдаяпмиз?" деган саволларга берилганимизни эслатиб қўймоқчимиз. Бу саволларга жавоб топиш учун ушбу муттаҳамликлар тафсилотлари баён этилган жиноят ишларига ва ҳали "очилмаган" жиноий ҳаракатларга бир назар ташласак, унда воқеалар энг майда жиҳатларигача муфассал, факт ва ҳужжатлар асосида баён этилганини кўрамиз. Албатта, бу тафсилотлар учун газетанинг тўрттала саҳифаси ҳам торлик қилишини эътиборга олиб, ўғирланган-ўзлаштирилган рақамларни умумлаштириб, масаланинг моҳияти ҳақида фикр юритамиз.

Аввало, бу замонавий-тарихий воқеаларнинг саҳнаси — Жиззах вилоятининг Дўстлик пахта тозалаш корхонаси эканини айтайлик. Қаҳрамонлари — шу заводнинг директорлари, пахта қабул қилиш пунктларининг тўрт нафар товаршуноси, бешта ижара-ширкатлар бирлашмалари бошқарувининг раислари. Нега "директорлари" бўларкан, битта заводда бир нечта директор бўладими? Тўғри савол, лекин матн ҳам хато эмас. Гап шундаки, икки йилда кетмакет иккала директор жиноий жавобгарликка тортилиб, судланишган. Ҳа, олдингиси қилган хато унинг ўрнига тайинланган кейингисига сабоқ бўлмаган, балки у ҳам айнан ўшанақа жиноят — қўшиб ёзиш учун судланган.

Ана шу кишилар, жиноят ишидаги ҳуқуқ тили билан айтганда, масъул мансабдор шахслар, ўзаро жиноий гуруҳга уюшиб, сўнг жиноий гуруҳ манфаатларини кўзлаб, мансабини суиистеъмол қилиб, жиноий тил бириктириб, 1999 йил пахта тайёрлаш давлат режасини кўзбўямачилик йўли билан бажариш, ўзганинг мулкини кўп миқдорда талон-тарож қилиш, мансаб сохтакорлиги каби жиноий мақсадни амалга оширганлар.

Энди ўзимизнинг кундалик турмушдаги тилда айтсак, улар бу қалбакиликни рўёбга чиқариш орқали бир ўқ билан икки қуённи уришган: ҳам давлатга пахта хом ашёсини топшириш режасини бажариб эл-юрт олдида, ҳукумат раҳбарияти олдида юзлари ёруғ бўлмоқда, ҳам... чўнтаклари — йўғ-ей, бунча пул чўнтакка сиғмайди — қопқанорлари пулга тўлмоқда, йўқ пахтани "терилди" деб, "теримчиларга берилди" деб давлат хазинасидан ўмарилган 93 миллион сўм ҳазилакам пул эмас-да, ахир! Қолаверса, бу — исботлангани, жиноий иш материалларида қайд этилгани. Исботлашнинг имкони бўлмаганлари ҳам қанча экани уларнинг ўзлари-ю, Оллоҳга аён холос.

Бу — Жиззах вилоят судида 2001 йил 29 июнда ўқилган ҳукм тафсилотлари. Унда пахта тозаловчилар ва ширкат хўжалиги раҳбарларидан жами ўн киши юқоридаги жиноий ҳаракатларни қай тарика амалга оширгану, бунинг учун уларга қандай жазо тайинлангани қайд қилинган.

Қизиғи шундаки, юқоридаги судланувчилар ўзларидан аввалги судланган ҳамкасбларининг қилмиши-ю, тақдиридан сабоқ, керакли хулоса чиқариб олмаганлар. Ҳолбуки, айнан ўша Жиззах вилоят судининг 2000 йил 14 декабрдаги ҳукми билан айнан ўша Дўстлик пахта тозалаш корхонасининг бир гуруҳ мансабдор шахслари — 12 киши турли муддатларга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланган эдилар. Бу уюшган гуруҳ томонидан жами 2.650,7 тонна пахта 48.594.929 сўмлик жуда кўп мулк ўзлаштириш йўли билан талон тарож қилинган. Яъни аслида йўқ шунча пахта қўшиб ёзилган. Оқибатда, қайта ишлаш чоғида пахтадан тола чиқиши 29.9 фоиздан 25.4 фоизга камайтириб, хомашё ишлаб чиқариш топшириқномаларига ўзгартириш, соҳта маълумотлар киритиш орқали камомад "ёпиб" келинган. Янаям қизиғи, кейинги гуруҳнинг қилган жиноий ҳаракатлари айнан олдингиларники каби бўлса-да, булар анча юмшоқ жазоланишди. Аниқроғи, энг оғири уч йилгача озодликдан маҳрум этиш тайинланиб, Амнистия-га кўра бу жазони ўташдан озод қилинганлар.

Энг қизиғи — қуйида. Суднинг пахтани қўшиб ёзувчиларга — "припискачилар"га нисбатан олдинги ўн йил озодликдан маҳрум этишгача жазоси ҳам, кейинги айбини кечворгандек юмшоқ жазоси ҳам буёқдагиларга заррача таъсир кўрсатмабди, чамаси. Сабаби, Жиззахда ҳамон "приписка" давом этмоқда. Энди, қўшиб ёзувчилар жазоланиш ўрнига... рағбатлантириладиган бўлиб қолибди. Бу ҳақда — кейинроқ. Ҳозир ўтган йил пахта ҳосилининг "приписка"сига бир назар ташлаб олайлик.

Қўшиб ёзишнинг ҳам тури кўп бўлар экан. Даладан териб олиниши лозим бўлган йўқ пахтани "бор" деб ёзишдан бошланган "приписка", сўнг тола, чигит етиштириш, топшириш маълумотларида давом этади. Ахир тола ҳам, чигит ҳам ўша аслида йўқ пахтадан олинади-да. Бундан ташқари, бу соҳанинг ичида аралашиб юрмаган одамлар билавермайдиган яна бир қўшиб ёзиш бор: сортдан сортга ўтказишдаги муттаҳамлик. Бунда ҳам бир корхонада бир неча миллион сўмдан бир неча юз миллион сўмгача зарар келтириш мумкин экан. Масалан: "Жиззахпахтасаноат" ҳудудий акционерлик бирлашмасига қарашли 8 та пахта тозалаш заводларида 2002 йил 1 июнь ҳолатига кўра, яъни 2001 йилдаги пахта ҳосилини қабул қилиш ва ишлов беришда беистисно барча корхоналар миллионлаб сўмлик зарар келтирган. Жумладан, Пахтакор — 81 миллион 77 минг сўм, Иржар — 103 миллион 521 минг сўм, Дўстлик — 60 миллион 520 минг сўм, Учтепа — 15 миллион 905 минг сўм, А.Икромов — 307 миллион 613 минг сўм, Даштобод — 22 миллион 970 минг сўм, Зафаробод — 30 миллион 955 минг сўм, Зарбдор — 2 миллион 170 минг сўм. Бирлашма бўйича жами — 471 миллион 881 минг сўм. Эътибор беринг: жами 471 миллион сўмнинг 307 миллион сўми биргина А.Икромов номли корхона ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур корхона жами 30.304 тонна пахтага ишлов берган, ундан 9912 тонна тола олинган. Яъни, пахтадан толанинг чиқиши ўртача 32,7 фоиз. Бу, пахта саноатида юқори кўрсаткич ҳисобланади. Шундай экан, юқоридаги 307 миллион 613 минг сўм зарар нимаси, қаердан келди у? У — қўшиб ёзишдан келди. Аслида, катта миқдордаги тола — йўқ. Бунча маҳсулот "маҳаллий саноатга берилди" деб қалбаки маълумотномалар орқали "ўтказиб" юборилган. Буни ўқиётган ушбу соҳанинг мутахассиси бўлмиш газетхонларда ҳозир бир савол туғилди: шунча толадан ажратиб олинган минглаб тонна чигит қаёққа кетди? Балли! Чигит ҳам ўз навбатида қалбаки ҳужжатлар билан "приписка" қилиниб, "ўтказиб" юборилди. Хусусан, А.Икромов номли корхона ўтган мавсумда "Тошмаргёғ" корхонасига режа бўйича 2500 тонна чигит топшириши керак эди. Амалда бу рақам 828 тоннани ташкил қилди. Бироқ... юқоридаги қўшиб ёзишларни "ёпиш" учун гўёки "Тошмаргёғ"дан олинган қалбаки ҳужжат тайёрланди. Унда А.Икромов корхонасидан 6050.280 тонна чигит қабул қилингани ёзилган. "Гўёки" дейишимизнинг боиси, бу ҳужжат мазкур корхонада тайёрланмагани мутахассис бўлмаган кўзга ҳам кўриниб турибди: "828 тонна қабул қилинган" ҳақиқий ҳужжат билан "6050 тонна қабул қилинди" деган ҳужжатдаги бир хил исм-фамилияли корхона раҳбарининг икки имзоси бутунлай бошқа-бошқа, бош ҳисобчининг имзосини эса ўхшатишга ҳаракат қилинган ва бирмунча муваффақиятга ҳам эришилган. Фақат, қўли қалтирагани яққол сезилиб қолган. Бунинг устига, ҳақиқийда думалоқ муҳр, қалбакида узун тўртбурчак тамға босилган. "Тошмаргёғ" раҳбаридан қалбаки ҳужжатга тамғанинг босилиши ҳам яхши эмас-ку, деб сўраганимизда, у киши "ҳозир тамға тайёрлаш қийинми?" деган жавобни берди. Мантиқли жавоб. Қолаверса, қалбакилиги юқоридаги сабабларга кўра яққол кўзга ташланиб турган ҳужжат учун бу гапларнинг аҳамияти ҳам йўқ.

Демак, ҳақиқий ва қалбаки иккита бир хил маълумотноманинг ўртасида — 5 минг тоннадан ортиқ чигит — йўқ! Бунча чигитдан қанча пахта ёғи чиқади-ю, у неча юз миллион сўм бўлишини мутахассислар ҳисоблаб олаверсин.

Янада тўлароқ маълумот берсак, "2001 йил пахта ҳосилидан ишлаб чиқарилган чигит маҳсулотларини сақлаш ва ортиб жўнатишда йўл қўйилган камомад тўғрисида" 2002 йил 14 сентябрда тайёрланган маълумотномада барча корхоналар бўйича бир неча миллионлаб сўмлар қайд қилинади-да, фақат "А.Икромов" деган ёзув рўпарасида ноль (0)лар битилган, яъни "топ-тоза". Ҳолбуки, бу тозаликнинг аҳволини юқорида кўрдик. Агар ўша қўшиб ёзилган пахта-ю чигитларни ҳисобдан чиқариб ташланса, бу корхонада расмий ҳисоботларда яшнаб турган "32,7 фоиз" ўртача тола чиқиши аслида 25 фоизга тушиб қолади. Кейинги ҳақиқий рақам эса "приписка" деган оҳанрабони ялтираб кўрсатиб қўяди, бу эса, ҳеч кимга керакмас...

Яна, мазкур корхона раҳбари Б.Қушбаков имзо чеккан бошқа бир маълумотномада Тошкентга жўнатилган чигит энди "9851 тонна" деб кўрсатилаяпти. Мақсад — учини учига тўғрилаш. Яъни, 2001 йилда тайёрланган жами гўёки 30.337 тонна пахта хом ашёсидан гўёки ажратиб олинган 15485 тонна чигитнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш. Шундан қайта ишлаш учун ёғ корхоналарига жўнатилган чигит жами 12.968 тонна эмиш. Бундан фақат "Тошмаргёғ"га қалбаки "жўнатилган" 5 минг тоннани чиқариб ташласак, пахта хом ашёси тайёрлаш бўйича "приписка" қанчани ташкил этганини ҳисоблашни яна мутахассисларга ҳавола этамиз. Бизнинг эса айтадиган битта гапимиз қолди: юқоридаги "2001 йил сентябрдан 2002 йил сентябргача Жиззах вилояти бўйича чигит ишлаб чиқариш ва жўнатиш" деб номланган сўнгги маълумотномага "Жиззахпахтасаноат" ҳудудий акционерлик бирлашмаси раҳбари... Б.Кушбаков имзо чекканлар. Танидингизми, ўша сал илгариги — "А.Икромов" заводининг раҳбари...

Ҳа, вилоятдаги саккизта пахта тозалаш корхонасининг ўтган мавсумда энг кўп қўшиб ёзишни "уддалаган" раҳбари бу мавсумдан бошлаб вилоят пахта тозалаш саноатига раис этиб тайинланди. Нега — бир корхонада орттирилган "илғор тажриба"ни бундан буён бутун вилоятга ёйиш зарурати пайдо бўлдимикин?

Аксинча, аввало "Ўзпахтасаноат" уюшмасига, у орқали эса давлатимиз иқтисодиётига, хазинасига путур етказаётган бу қўшиб ёзиш иллатининг пайини қирқиш тараққиётимиз учун фойдадан ҳоли бўлмасди, чамаси...

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ

Ол-а!

БОЛАСИНИНГ... ОТАСИ

Бу одам вақтида топармон-тутармон бўлган – "Зил" ҳайдаган. Аммо, кейин ишни ташлаб, аризабозлик йўлига кирди. Ўзингиз биласиз, шикоятбозликнинг ҳам ози яхши, аммо бу одам уни касбга айлантирди. Косибнинг эса ҳар куни ҳам омади келавермайди – ана шундай бефароғат кунларнинг бирида аризачимиз чопқи билан хотинини ўлдириб ташлади... ка-атта кўчанинг ўртасида.

Кўплар энди у қамалиб кетади, қулоғимиз тинчийди, деган эдик, қаёқда. Бир йил ўтар-ўтмас қишлоққа қайтди: ўша ёқда ҳам ўзини жиннликка солиб, ҳаммани ишонтирибди. Бу одам келибоқ ҳовли-жойини сотиб, бошқа бир жойда омонатгина яшай бошлади. Унинг ажралишиб кетган аввалги хотинидан бир ўғли бор эди – узоқда истиқомат қиларди. Отасининг ҳовли-жойини сотганини эшитиб, бошига дов тикиб келибди:

— Пул керак! — дебди. Ўғли шунда ҳовли-жойнинг пулини тилга олибди.

— Сенинг туришинг бул бўлса, сендан бошқа мени кўмадиган бўлмаса... У пулларни бир кунлигимга олиб қўйдим,- депти ота.

Ўғил вазиятдан фойдаланиб, масалани қаттиқ қўйибти:

— Ўлсанг, ўлигингни кўмгани келмайман!

Отанинг гапини қаранг:

— Абдумурод мени кўмади, деб ҳозир пулни берсам, лекин ўша куни келмасанг...

— Келама-ан... — дебди ўғил.

— "Можбит", ҳозир мени алдаяпсан. Чунки, мен ўлганимдан сўнг, Абдумурод келдимикан, деб ўрнимдан туриб қарай олмайман-да, буни сен биласан. Шунинг учун келмайсан, — деб ўғилни қуруқ қайтаради.

Ота ҳалиям юрипти – шикоятчилик қилиб: мазаси оғизда қолганда! Ўғил билан эса алоқа йўқ. Айтмоқчи, ўғилни яқинда кўрдим - ҳамманинг устидан ҳамма идораларга ариза ёзиб юрган экан. Ҳамқишлоқлари тинч қўясанми-йўқми, деб биқинига бир-икки мушт урган экан, шуларни ҳам ёзипти: Никулинга ўхшаб "Яша!" дедим.

Т. РАЗЗОҚ.

Семинар

ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН:

Онангни отангга бепардоз кўрсатма...



Одамлар нега газета ўқишади? Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор, биз ҳозир бу ҳақида эмас, балки газетани муштарийларига чиройли қилиб кўрсата олиш масаласида мулоҳаза юритмоқчимиз. Онангни отангга бепардоз кўрсатма, нақлидан келиб чиқиладиган бўлса газетани ўқувчилар кўзига жозибали кўрсата билиш ҳам санъат. Газеталарнинг оммабоплигини таъминлайдиган омиллардан бири ана шу санъатни қандай эгаллаш ва уни қўллай билишга боғлиқ, назаримда.

Тошкентда Халқаро Журналистлар маркази, Интерньюс/Ўзбекистон ташкилоти ва USAID/Марказий Осиё Минтақавий малака ошириш дастури ҳамкорликда "Газетанинг дизайни ва саҳифаланиши ҳамда рекламада тақдим этилиши" мавзусида амалий анжуман ўтказди. Унда вилоят ва республиканинг кўзга кўринган нашрларидан вакиллар иштирок этишди. Уч кун давом этган бу анжуманда Россиянинг "Paritet" агентлиги компьютер графикаси бўйича мутахассиси ҳамда "Аиф" газетасининг Пермь шаҳрида нашр этиладиган иловаси саҳифаловчиси Алексей Красильников қатнашчиларга "Газетанинг замонавий дизайни", "Газета саҳифалашнинг андозалари", "Реклама дизайни", "Реклама эълони яратиш стратегияси", "Газета саҳифасини яратиш стратегияси" ва бошқа мавзуларда қизиқарли маърузалар ўқиди ва амалий машғулотлар олиб борди.

— **Яхши газета минг турли овқатларни такдиф этадиган ошхонага ўхшайди,** -дейди Алексей Красильников биз билан суҳбатда. —**Одамлар ҳамиша вақт танқислигида яшашини ҳисобга олган ҳолда янгиликларни ихчам шаклда тақдим этиш керак. Ҳар қандай газета учун зўр реклама, бу бирор кишининг иккинчисига: "Мана бу мақолани кўрдингизми, унда..." деганидир.**

Анжуман сўнгида Халқаро Журналистлар марказининг босма ОАВ бўйича маслаҳатчиси Жорж Кримский, Россиянинг "Paritet" агентлиги компьютер графикаси бўйича мутахассиси Алексей Красильников, Интерньюс/Ўзбекистон ташкилоти директори Жошуа Маклендер ва USAID/Марказий Осиё Минтақавий малака ошириш дастури директори Жазон Компи иштирокчиларга махсус сертификат топширишди.

— **Шу вақтгача ташкилотимиз фақат нодавлат радио ва телестудиялар учун кўмак ва анжуманлар уюштирарди. Бу галги анжуман биринчи марта газета ходимлари ва журналистлар учун ўтказилди. Келажакда ташкилотимиз бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда матбуотда хизмат қилаётган журналистлар учун яна турли йўналишларда амалий ва назарий анжуманлар ўтказишни режалаштирмоқда,** — дейди Интерньюс/Ўзбекистон ташкилоти масъул ходимаси Ҳолида Анорбоева.

Норали ОЧИЛОВ

Таҳлил

ҒОФУРОВ БОСҚИНЧИ ЭДИМИ?

ёхуд Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман судининг 2002 йил 12 июндаги ҳукмига муносабат

I

Судларнинг бугуни ва эртаси ҳақида ҳеч ким ҳали Президентдан ошириб айтолгани йўқ: **"Судлар халқимиз тасаввурида фақат жазоловчи орган бўлиб эмас, аксинча ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган сифатида тан олишларига эришиш керак".** Бу жуда катта вазифа. Ва буни ҳеч ким ташқаридан келиб қилиб бермайди. Бу фақат судьяларнинг ўзларигагина боғлиқ бўлган фаолиятдир. Кечаги тузум чаплаган иллатлар ва тавқи лаънатлардан судларни судьяларнинг ўзларигина қутқара оладилар... Бошқа халоскор йўқ.

II

Судлар ҳукмида гўё иккита ранг бордай: "оқ" ва "қора". Бир томон буткул "оқ", иккинчи томон буткул "қора" "ранг"да бўлади. Энг ёмони ана шунга ўрганиб қолганмиз. Бошқача бўлиши мумкинми, деб кўринг-чи?..

III

Биз танишган иш одатдагидан анча фарқ қилади. Энг муҳими биз мана буниси "оппоқ", мана буниси "қоп-қора" демоқчи эмасмиз. "Қора"ни нега "қоп-қора" деганларини айтмоқчимиз, холос. Чунки Шайхонтоҳур туман суди шу йилнинг 12-июнь куни чиқарган ҳукмида фақат "жазоловчи" бўлиб қолгандай. Аслида улар давлат раҳбари айтганидай бундан қочишлари керак эмасмиди?..

IV

Ишхонамга Ғофуров иши бўйича мурожаат қилиб келишганида уларни эшитиб, очиғи, "айб қилган экан, жазосини олиши керак-да" деган ўй-фикр пайдо бўлганди. Иш билан обдон танишиб чиққанимиздан кейин, айниқса, Ғофуровга нисбатан ўта адолатсизлик юз берганини – иш ҳам **нотўғри**, ҳам **асоссиз** ва ҳам **ортиқча** малакаланганини англай бошладик. Ва, табиийки, фикримиз бутқул ўзгарди.

V

Бу иш шундайки, уни токи қандай рўй берганини батафсил эшитмаган киши бизни англамаслиги аниқ.

Воқеа қуйидагича рўй берганди.

... 1976 йилда туғилган Ҳуршид Ғофуров 2002 йил, 11 февраль куни укаси Умиднинг туғилган кунини нишонлаб оз миқдорда бўлса-да ароқ ичади. Ва ундан чиқиб акасининг яқини, ўзи ҳам анча вақтдан бери биладиган, мукаддам судланган Отабек Артикбаевнинг уйига боради. Отабек ҳам уйда ёлғиз ичиб ўтирган бўлади. Шу пайт Отабекнинг отаси Улуғбек ака ҳам келиб қолади. Уч кишига битта ароқ камлик қилади, шекилли, Ҳуршид билан Отабек яна ароқ олиб келгани кўчага чиқишади. Кетаётиб автобус бекатидаги "Малборо" савдо дўкончасига киришади. Бу пайтда дўкон сотувчиси Аваз Тўрахонов ва унинг яқин таниши Изатулла Исҳаков эшик қулфини тузатаётган бўлишади. Уларга олдиндан таниш бўлган Ғофуров 333-милиция таянч пунктида нозир бўлиб ишлайдиган, айни пайтда меҳнат таътилида бўлган Улуғбек Очилов учун бир шиша ароқ, икки шиша пиво сўрашади. Аваз: "Улуғбек ака агар ким менинг номимдан бир нима сўраб келса, бермайсан" деганлар дейди. Улар: "биз ҳам милициядамиз-ку, нима ишонмайсанми", дейишади. Улар рад жавобини олганларидан сўнг бир-бирларини даҳанаки ҳақорат қила бошлайдилар. Шунда Аваз машинасини ўт олдиртириб: "бўлмаса юринглар, Улуғбекнинг олдига борамиз, ўша ерда ҳал қиламиз" деб уларни милиция таянч пунктига олиб келади. Юқорида айганимиздек, Улуғбек Очилов бу пайтда Самарқандда — меҳнат таътилида эди. Ҳуршид Ғофуров икки йилга яқин гарчи буйруқ асосида бўлмаса-да маҳалла посбони бўлиб ишлаётган, келажакда тажриба орттириб милицияга ишга ўтиш ниятида эди. Шу боис унинг ёнида таянч пунктининг калити бўлади ва у ана шу калит билан эшикни очади. Бирин-кетин ичкарига киришади. Шунда ҳам судланган, ҳам бокс бўйича анчагина тажрибага эга, ҳам айни пайтда ширакайф бўлган Отабек: "сен ҳали милиция ходимларини менсимасдан қўйдингми, биз жиноят қидирув бўлимиданмиз, бизни менсимаслик мана бундай бўлади", деб Аванни ура бошлайди. Пайтдан фойдаланиб Ҳуршид ҳам Аванни бир-икки мушт туширади. "Бўлмаса гиёҳванд моддасини сотаман, аммо истеъмол қилмайман, -деб ёзиб берасан" дейишади. Табиийки, эс-ҳуши жойида бўлган Аваз бунга кўнмайди. Можаро эрталаб соат 4.30ларгача давом этади. Отабек бу орада Аванга: "чўнтагингдаги нарсаларни чиқар", дейди. У машинасининг калити, ҳужжат ва яна бошқа нарсаларини чиқариб столнинг устига қўяди. Ҳуршид билан Аваз бошқа хонада ўзаро тортишиб ўтиришганида Отабек ҳеч кимга билдирмай столнинг устидан Авазнинг машинасини калити билан ҳужжатларини оладди-да, машинани ҳайдаб қочиб кетади. Унинг кетганини на Ҳуршид, на Аваз пайқамай қолишади. Бу орада Ҳуршиднинг кайфи тарқаб, ўзига кела бошлайди. Қараса, аҳвол чатоқ. Авазга нисбатан безорилик қилиб қўйганини, бурни қонаб шишганини англайди-да, шу уйнинг юқори қаватида яшайдиган милиция ходими Джумановни чақириб тушади. Ва унга шундай ҳол юз берганини, энди Аваз Тўрахоновни ҳеч кимга айтмасликка кўндириб таман, сенга ҳеч қандай даъвом йўқ", дейди. Отабек бу пайтда отаси билан Авазнинг машинасида Қўқонга қараб йўл олган бўлади. Ҳуршид билан Аваз Отабекни кутиб-кутиб тарқалишади. Дўконга қайтган Аваз Изатулла билан маслаҳатлашиб, милицияга хабар беришади. Ҳуршид Ғофуров билан боғлиқ жиноий ишнинг қисқача баёни ана шундай.

VI

Шайхонтоҳур туман суди Ғофуров Ҳуршид Бахтияровичнинг бу жиноий ҳаракатини ЎзР ЖКнинг 164-модда 4-қисм, "а" бандига асосан 15 йил, 227-модда 2-қисм "а" бандига мувофиқ икки йил, ЎзР ЖКнин 59-моддасига биноан жазоларни қисман қўшиш йўли билан жами 16 йилга озодликдан маҳрум этган.

Гап шундаки, ҳеч ким Ғофуровни қўриб турганингиздек айбсиз деяётгани йўқ. Ғофуров айбли, жиноят содир қилган. Лекин ЎзР ЖКнинг 164-моддасида қайд қилинганидек, ҳақиқатдан ҳам **"босқинчилик"** қилганми? Унинг "иши" **тўғри, асосли** ва **меъёрдагидек** малакаланганми? Ҳамма гап, ҳамма жумбоқ ана шунда.

16 йил оз муддат эмас. Унинг устига жазо қаттиқ тартиб ўрнатилган қамоқхонада ўтказилади. Ҳали уйланмаган, судлангунгача ишсиз бўлган, қилмишига пушаймонлик изҳор қилган Ҳуршид Ғофуровнинг кейинги тақдири ҳар беришини илтимос қилади. Джуманов Аваз билан алоҳида гаплашиб кўради ва уни кўндиролмаганидан сўнг чиқиб кетади. Шунда бошқа имкони қолмаганини сезган Ҳуршид Авазга "қанча берсам ҳеч кимга айтмайсиз?" деб сўрайди. Бу гал ҳам кўндиролмагач ташқарига чиқишади. Қарашса, Авазнинг машинаси жойида йўқ. Шунда Аваз Ҳуршидга: "машинамни анави ўртоғинг ҳайдаб кетибди, агар уни топиб берсанг, уйга кетаман, сенга ҳеч қандай даъвом йўқ", дейди. Отабек бу пайтда отаси билан Авазнинг машинасида Қўқонга қараб йўл олган бўлади. Ҳуршид билан Аваз Отабекни кутиб-кутиб тарқалишади. Дўконга қайтган Аваз Изатулла билан маслаҳатлашиб, милицияга хабар беришади. Ҳуршид Ғофуров билан боғлиқ жиноий ишнинг қисқача баёни ана шундай.

VI

Шайхонтоҳур туман суди Ғофуров Ҳуршид Бахтияровичнинг бу жиноий ҳаракатини ЎзР ЖКнинг 164-модда 4-қисм, "а" бандига асосан 15 йил, 227-модда 2-қисм "а" бандига мувофиқ икки йил, ЎзР ЖКнин 59-моддасига биноан жазоларни қисман қўшиш йўли билан жами 16 йилга озодликдан маҳрум этган.

Гап шундаки, ҳеч ким Ғофуровни қўриб турганингиздек айбсиз деяётгани йўқ. Ғофуров айбли, жиноят содир қилган. Лекин ЎзР ЖКнинг 164-моддасида қайд қилинганидек, ҳақиқатдан ҳам **"босқинчилик"** қилганми? Унинг "иши" **тўғри, асосли** ва **меъёрдагидек** малакаланганми? Ҳамма гап, ҳамма жумбоқ ана шунда.

16 йил оз муддат эмас. Унинг устига жазо қаттиқ тартиб ўрнатилган қамоқхонада ўтказилади. Ҳали уйланмаган, судлангунгача ишсиз бўлган, қилмишига пушаймонлик изҳор қилган Ҳуршид Ғофуровнинг кейинги тақдири ҳар

тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёти ва соғлиги учун ҳавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса" деб баҳо берилган. Ана шу ҳолатлар жиноий қилмишда рад этиб бўлмайдиган далиллар билан тўлиқ исботлангандан кейингина жавобгарлик тайинланиши белгилаб қўйилган. Ва ана шу ерда савол туғилади: Ғофуров Аваз Тўрахоновга тегишли молмулкни талон-тарож қилиш учун қандай мақсад тузганлиги ҳукмда далиллар билан исботланганми? Жавоб: Йўқ. Зеро, унда бундай мақсад бўлмаган. Шу боис бу ҳолат ҳукмда ўз тасдиғини топмаган. Иккинчи савол: **Ғофуров жабрланувчининг мол-мулкига эгалик қилиш учун зўрлик ишлатгани ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитганлиги қай даражада исботланган?** Афсуски, ҳам ҳукм, ҳам ажримдан саволимизга жавоб тополмадик. Учинчи савол: **Ғофуров жабрланувчига тегишли бўлган қайси жуда кўп миқдорга эга бўлган молмулкни босқинчилик йўли билан эгаллабдики, унинг қилмиши 164-моддага лойиқ деб топилган?** Олти ярим варақлик зич ёзилган ҳукмни, бир ярим варақлик ажримни ҳарчанд титкиламайлик бу саволимизга ҳам далил топиш насиб қилмади. Чунки жабрланувчи Аваз Тўрахоновга тегишли бўлган енгил машина калити ва ҳужжатларини Аваз билан Ҳуршид бошқа хонада можаро қилаётганида ҳеч кимга сездирмасдан Отабек Артикбаев олиб кетаяпти. Бу ҳақиқий далил бўлиб, барча сўроқ баённомалари, Ғофуров, ҳатто, Отабек Артикбаевнинг кўрсатмасида ҳам ана шундай ҳолат яққол исботланаяпти. Демак, жабрланувчининг автомашинасига тегишли бўлган барча ҳужжатларни ҳам, калитни ҳам Ғофуров эмас, Отабек Артикбаев исмли шахс эгаллаб олаяпти. Шундай экан, **қандай қилиб Ғофуровни 227-модда, 2-қисм билан айблаш мумкин?** Бундай ҳолатда Ғофуровга судлар томонидан қўйилаётган иккинчи айблов ҳам ўз-ўзидан инкор этилмоқда.

VII

Суд ҳукмида бир неча жойда **"рад этиб бўлмайдиган далиллар"** жумласи ишлатилган. Нега кўп бор ишлатилганини тушунса бўлади – талаб шундай. Лекин "рад этиб бўлмайдиган далиллар" нечоғли асосли экани таҳлил қилинса, кўп гумон ва ҳақиқатлар ойдинлашади.

Суд ҳукмидаги ана шундай далилларни таҳлил ва таққос қилар экансиз, уларнинг ақалли биттаси ҳам **Ғофуровнинг "босқинчилик" жиноятини содир этганлигини тасдиқлай олмаслигини кўриб ёқа ушлай, дейсиз.** Ва бу қадар шошма-шошарлик кимга керак бўлди, судлар Ғофуровни айнан "босқинчилик"да айблашга бунчалик ошиқишмаса, деб ўйлаб қоласиз. Келинг, ана шу "далил"ларнинг айримларига тўхталиб ўтайлик. "Рад этиб бўлмайдиган далиллар"дан **биттаси**, биз тилга олган воқеалардан хийла олдин содир этилган бўлиб, Отабек Артикбаевга тегишли. Шундай экан, бунинг Ғофуров билан ҳеч қандай алоқаси ёки боғлиқлиги йўқ. "Рад этиб бўлмайдиган далиллар"нинг **иккинчиси** – жабрланувчи Аваз Тўрахоновнинг судланувчи Ҳуршид Ғофуров ва Отабек Артикбаевнинг ҳаттиҳаракатлари юзасидан берган кўрсатмаларидан иборат. Ваҳоланки, жабрланувчининг дастлабки тергов жараёнидан бошлаб, токи суд мажлисидаги кўрсатмаларининг лоақал биронтасида Ғофуров томонидан унинг мол-мулки, жумладан автомашинаси ва бошқа ашёларини талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилганлик ҳолатларини кўриш ёки аниқлаш мумкин эмас. Лекин тан олиш керак, Ғофуров милиция пунктига тушунмовчиликни аниқлаш учун ўз ихтиёри билан келган жабрланувчини "нега биз нарса сўрасак бермадинг, сен милиция ходимига бўйсинмайдиган бўлдингми?", деб дўппослагани, "мен героин истеъмол қилмайман, аммо сотаман" ёки "милиция ходимларига ҳеч қандай даъвом йўқ" деб тушунтириш ҳати ва ариза ёзиб берасан деб мажбурлагани, "қанча пул бермасам даъвом йўқ деб ёзиб берасиз" деган илтимосларидан яққол кўриниб турганидек, судланувчи жабрланувчига нисбатан **босқинчилик эмас, безорилик ва ўзбошимчалик** жиноятини содир этган.

Энг қизиқ ҳолат шундан иборатки, суд ҳукмида, ҳатто, гувоҳлар – Изатилла Исҳаков ва Улуғбек Артикбаевларнинг кўрсатмалари ҳам **"рад этиб бўлмайдиган далиллар"** сирасига киритилган. Ҳолбуки, улар берган кўрсатмаларнинг бирортаси Ғофуровнинг **"босқинчилик"** қилмишини исботлашга хизмат қилмайди. Ундан ташқари гувоҳ тарақасида сўроқ қилинган ИПХ вакили Ш.Бойназаров, ўша куни жабрланувчи Аваз Тўрахонов излаб борган, 333-милиция таянч пункти нозири Улуғбек Очиловнинг кўрсатмалари, Шайхонтаҳиур туман ҳокимияти томонидан тақдим этилган хат ва бошқа ҳужжатларга гарчи суд ҳукмида **"рад этиб бўлмайдиган далиллар"** сифатида баҳо берилган бўлса-да, лекин уларнинг бирортасини Ғофуровнинг жабрланувчи А. Тўрахоновга нисбатан **босқинчилик жиноятини исботлашга на дахли, на алоқаси бор.**

VIII

Суд ҳукмидан, айниқса, ЎзР ЖПКнинг 457-моддасига доир масалаларга жавоб топиш жуда ҳам мушкул. Агар унга тўлиқ жавоб топилган, ЖПКнинг 22 ва 455-моддасига риоя этилганда эди, суд **нотўғри, асоссиз** ва **ортиқча** ҳукм чиқаришга бунчалик шошилмаган бўлур эди.

IX

Ҳукмда суд жабрланувчига кўпроқ қайишган, судланувчига жиддий эътибор қаратмаган кўринади. Суд аслида бетараф, яъни икки томоннинг ўртасида туриши зарур эди. Шунда суд ЖКнинг **одиллик ва инсонпарварлик** принципларига амал қилган бўларди.

Жиноят қилинган, лекин суд уни тўлиқ очиб беролмаган, шошма-шошарликка йўл қўйган: **"босқинчи"нинг босқинчилигига ҳукмда далил йўқ.** Ҳолбуки, жиноий ишни тўғри малакалаш учун барча асослар бор ва ҳеч қандай моддий зарар йўқ эди. Қолаверса, "иш"дан суднинг ўзи томонидан "бир гуруҳ шахслар..." моддаси олиб ташланганди...

X

Яқинда бир хабарни эшитиб қолдим. Германия суди бир жиноий ишни кўраётган экан. Аслида ўша фуқаронинг жиноятчи эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ: айби деярли исботланган. Лекин суд ишни яна чўзишга – 160га яқин гувоҳни сўроқ қилишга қарор қилибди. Ана шуни эшитганимиздан кейин олмон судьяларининг тоқатига балли-е, деб юбордик...

Исмат ХУДОЁРОВ,
"Ҳуррият" мухбири.
Юсуф ДЕҲҚОНОВ,
Адвокат.

Суҳбат

АСОСИЙ ҚОНУН ВА МАТБУОТ

Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи ҳам алоҳида диққат эътибор қаратишни талаб этади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек кенг миқёсли ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан таништириб ва ёритиб борилиши зарурлиги ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим.

Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Оммавий-ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси "Конституциянинг асосий қоидаларини аҳолига етказиш ва тушунтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказди.

Анжуманда Конституциявий суд, Олий суд, Бош прокуратура ҳамда Олий хўжалик суди раҳбарларидан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари, профессор-ўқитувчилар, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мазкур тадбир, унда муҳокама этилган масалалар хусусида ўз вақтида бир нечта оммавий ахборот воситалари орқали хабарлар тарқатилганидан муштарийлар воқиф, албатта. Қуйида эса Бош қомусимизнинг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан иштирокчиларнинг билдирган таклиф ва мулоҳазалари билан танишасиз.

Бўритош МУСТАФОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси:

— Шу йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 10 йил тўлади. Шу муносабат билан республикамизнинг барча ҳудудларида тегишли тадбирлар ўтказилмоқда. Бугун Омавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси билан ҳамкорликда ўтказаётган тадбиримиз ҳам шулар қаторига киради.

Анжуманимиздан асосий мақсад — Конституциямизнинг яратилиши, унинг кундалик ҳаётимиздаги ўрнига жамоатчилик эътиборини жалб этиш, бу борадаги мулоҳазалар билан ўртоқлашиш. Қолаверса, унинг асосий ғоя ва қоидаларини кенг аҳоли қатламларига тушунтириш ва тарғиб этиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан фикр алмашишдир.

Президентимиз Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ тўққизинчи сессиясидаги ўз маърузаларида айтганларидек, айнан оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг онгига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти чексиз.

Конституциянинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, уни ўрганиш ва қоидаларини тарғиб этиш тўғрисида гап юритганда, аввалам бор, Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги 2001 йил 4 январда қабул қилган фармойиши мамлакатимиз сиёсий ва маърифий-маънавий ҳаётида алоҳида ўринга эгалигини таъкидлашимиз лозим. Унда оммавий ахборот воситаларида мазкур масала бўйича доимий рукнлар туркуми, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ташкил этиш, тасвирий воситалар яратиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Фармойишга мувофиқ, Конституцияни ўрганишни ташкил қилиш бир неча йўналишларда олиб бориляпти. Энг аввало, болаларимизни эътиборга олиб, Конституцияни ўрганиш бўйича алоҳида дастур ўрганиб чиқилди, тарбиячилар учун услубий кўрсатмалар ва қўлланмалар яратилди, кўргазмали воситалар билан таъминланди.

Бевосита умумий ўрта таълим муассасаларида, ўрта махсус ўқув юртларида, Олий таълим муассасаларида махсус дастурлар, қўлланма ва дарсликлар тайёрланди. Олий таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичининг юридик йўналишлари учун қўлланмалари чоп этилди.

Республика марказий газеталари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддама-модда шарҳланган туркум мақолалар чоп этди. Шу кунгача "Конституция менинг тақдиримда", "Конституцияни ким билади?", "Конституция бизга нима берди?", деган мавзуларда 15000га яқин тадбирлар ўтказилди. Олий ўқув юртларида Конституцияни ўрганиш ўқув курслари бакалавр йўналиши учун 40 соат, магистр йўналиши учун 18 соат ҳажмида режалаштирилган. Муаллифлар У. Таджиханов, Ҳ. Одилқориев ва А. Саидовлар томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи", У. Таджихановнинг умумий таҳрири остида "Юридик энциклопедия" китоблари "Шарқ" компанияси нашриётида, муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ" китоби ўзбек ва рус тилларида "Академия" нашриётида чоп этилди.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситалари нафақат қонун ҳужжатлари, балки бошқа воқеалардан ҳам халқни мунтазам ва рўй-рост хабардор қилиб туришда беқиёс аҳамиятга эгадир. Аммо Конституциямизнинг асосий қоидаларини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларидан янада кенг фойдаланиш йўллари мавжуд бўлиб, улардан унумли фойдаланиш керак. Газета ва журналлар ҳар бир сонида Конституциянинг битта моддасини ёки битта қоидасини иҳчам ҳолда бериб бориши лозим. Телевидениеда Конституция қоидалари ва уларни шарҳи бериб борилса, нур устига аъло нур бўлурди.

Ҳуршид ДЎСТМУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раиси:

— Бугун мамлакатимизда қонун устиворлигини қарор топтириш миллий ва маънавий-маърифий масалалар билан фақат Парламент аъзолари эмас, фақат ҳуқуқшунос мутахассислар эмас, кўп сонли зиёлилар, жумладан оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар ҳам шуғулланишмоқда. "Қонун нима, уни қандай қилиб ҳаётга тадбиқ этиш мумкин?" каби саволларга кенг халқ оммаси вакиллари жавоб беришга ҳаракат қилаётгани назарда тутилса, шу мақсад ва шу маслаккa бош қўшаётганлар нечоғлик улкан кучни ташкил этишини тасаввур қилиш мумкин. Салкам икки йил мобайнида газеталаримизда эълон қилинган ҳуқуқий мавзудаги мақолаларни ўрганиш асосида яна бир умумлашма хулоса келиб чиқди: яъни, республикамиз Конституциясини тарғиб этиш мавзуси - ҳуқуқ мавзусида қалам тебратувчи муаллифларнинг ядросини ташкил этар экан!

Бу тасодифий эмас, албатта. Зеро, қонун кўп, лекин қонунларнинг қонуни – Конституция! Ҳуқуқий мавзуда сўз юритишга жазм этган муаллиф борки, истайдими-йўқми, ё бевосита, ё билвосита Асосий қонун хусусида тўхталади, унга суянади, ундан иқтибослар келтиради.

Ҳар бир муаллиф Бош қонунимизга турли нуқтаи назардан ёндошган бўлса-да, барча чиқишлар "Конституция нима?" деган саволга жавоб излаган, дейишимиз мумкин. Дарҳақиқат, гарчи Конституция қабул қилинганига 10 йил тўлаётган бўлса-да, ушбу саволга атрофлича ва тугал жавоб бериш ниҳоясига етди, деб айтолмаймиз. Хусусан, Конституцияга доир ҳар қандай тадбир, ҳар қандай чиқишдан кўзланган бош мақсад-муддао ҳам битта – Асосий қонунимизни тарғиб этиш, оммалаштириш!

"Асосий Қонунимизни таърифлаш билангина узоққа боролмаймиз", деган эди Президент Конституциянинг 9 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида. Дарҳақиқат, эндиликда қуруқ мадҳия ўқиш, таърифлаш-тавсифлаш билан мурод ҳосил бўлмайди. Тарғибдан мақсад оммалаштириш экан, оммалаштиришнинг бош шарти таъсирчанликдир!

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидаларини аҳолига етказиш масаласи оммавий ахборот воситаларининг доимий диққат марказида турибди.

Конституцияни оммалаштириш борасида матбуотда турли соҳа кишилари, жумладан мутахассислар, тадқиқотчилар, шунингдек, журналистлар ва аҳоли вакилларининг чиқишлари кузатилмоқда.

Ушбу мавзу муҳокамасида бевосита ёшларнинг иштирок этаётгани таҳсинга лойиқ.

Мақолаларнинг чиқиши баъзан мавсумий тус олаётгани, яъни Конституция куни теварагида кўпроқ бўлиб, бошқа пайтлар эътибордан бир оз четлашиш кузатилди.

Шулардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни баён этсам:

-Оммавий ахборот воситаларида Конституция тарғиботи мавзусидаги чиқишлар мониторинги мунтазам олиб борилса;

-шу мавзуда ёзувчи муаллифларга мўлжалланган махсус ўқув-семинари ташкил этилса;

— вилоятлар ОАВидаги чиқишлар алоҳида ўрганилса;

— лозим кўрилса, ушбу мавзуда энг ўқишли, энг таъсирчан ва оммабоп чиқишлар қилган фаол муаллифлар ўртасида ижодий танлов эълон қилинса.

Сайёра РАШИДОВА, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили:

— Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, жамиятда сиёсийлашув даражаси қанча юқори бўлса, оммавий ахборот воситаларининг сиёсий жараёндаги ўрни шунча салмоқли бўлади. ОАВ фаолиятини ташкил этиш муаммолари бир қатор халқаро хужжатларда ҳам тартибга солинган. Улардан икки энг муҳим эркинлик - ўз фикрини ифодалаш эркинлиги ва ахборот эркинлиги эълон қилинган.

Аҳоли ва мансабдор шахсларда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш муайян вақт ва куч талаб қиладиган жараёндир. Омбудсман институти оммавий ахборот воситалари билан бу борада елкама-елка туриб, кўп ишларни бажаришга чоғланган.

Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси:

-Ушбу тадбир айни муддао эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, бу ердан олган таассуротларим ва ўз таклифларимни ўртоқлашсам. Яқин кунларда мамлакатимиз Конституциясининг 10 йиллиги нишонланаётгани таҳсинга лойиқ.



Ушбу санани жуда кўтаринки руҳда ўтказиш учун барча суд-ҳуқуқ, тарғибот органлари ва мутасадди ташкилотлар билан келишилган ҳолда махсус режа ишлаб чиқсак. Ушбу режага, асосан, жойларда турли учрашув ва конференциялар ўтказиб борсак, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Матбуотда эълон қилинаётган Конституция ва қонун ҳужжатларини тарғиб қилувчи мақолалар қуруқ сўздан иборат бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳар бир мақола ёки суҳбатларда бирон бир қонун нормаси кенг халқ оммаси тушунадиган даражада шарҳлаб борилса.

Матбуот ходими ва суд-ҳуқуқ органи вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилса ва улар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб борилса, ишларимиз янада ривож топган бўлади.

Ғофур АБДУМАЖИДОВ, Ҳуқуқий-маърифат тарғиботи маркази раҳбари:

— Президентимиз ташаббуслари билан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш бугунги куннинг биринчи галдаги вазифаларидан бири этиб белгиланганлиги барчамизга маълум.

Бу борада Тошкент давлат юридик институтида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, талабаларга ўқитиладиган маърузаларни мазмунан бойитиш, Конституция мазмун-моҳиятини ўрганишда фақат ўқитувчилар ўтадиган дарслар билан чекланиб қолмай, турли тадбирлар, илмий-амалий конференциялар билан биргаликда олиб борилаётганлиги фикримга далил бўла олади.

Шу ўринда талабаларнинг билим савиясини ошириш, уларнинг дунёқарашини шакллантиришда доимий равишда синовлар ўтказиб боришни йўлга қўйиш зарурати туғилмоқда.

Михаил ГАСАНОВ, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари:

-Конституцияни замон талаблари даражасида ривожлантиришда халқаро шартномаларни алоҳида тилга олиш керак. Модомики, биз дунёга юз тутаётган эканмиз, нафақат ўз қонунчилигимизни, балки Ўзбекистон Республикаси ратификация қилаётган халқаро қонун ҳужжатларини ҳам билишимиз зарур. Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига дадил кириб бормоқда. Бизнингча, бу жараёнга суръат бахш этиши учун зарур қонун ҳужжатларини қабул қилиш керак.

Халқаро алоқалар, халқаро шартномалар ва давлатимиз бажаришни ўз зиммасига олиб қабул қилган халқаро ҳуқуқ қонун-қоидаларини кенг халқ оммасига етказиш зарур. Унинг матнлари алоҳида эълон қилиниши мақсадга мувофиқ.

Аҳмаджон ИСМОИЛОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази бош мутахассиси:

-Конституция ҳар бир инсон, фуқаронинг ҳуқуқий ҳулқ-атворини белгилаб беради. Уни билмай туриб, ҳуқуқий маданиятга эришиб бўлмайди. Шу маънода, Ислом Каримовнинг Конституция ҳуқуқий маданият асоси, миллий қонунчилик негизи эканини, Конституцияга садоқат, Ватанга ва ўз халқига садоқатни келтириб чиқаришини инобатга олиб, Асосий қонунни ўрганиш масаласига алоҳида эътибор қаратгани, айниқса, диққатга сазовор. Чунки, аслида ҳам, Конституция - ҳуқуқий билимлар биносининг пойдеворидир.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон суверен субъект сифатида жаҳон ҳамжамияти билан мустақил халқаро муносабатлар ўрнатиш ҳуқуқидан кенг фойдаланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз кўплаб давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди, қанчадан-қанча халқаро ҳужжатларни ратификация қилди. Биргина инсон ҳуқуқлари соҳасига тааллуқли 60 дан ортиқ халқаро шартномага қўшилдик.

Эслатиш жоизки, миллий қонунларимиз билан халқаро шартномалар ўртасида номувофиқликка дуч келинганда, қоида бўйича ана шу халқаро шартномалар устун ҳисобланади ва тегишли тартибда уларнинг қоидалари қўлланилади. Бу эса ҳар биримизнинг нафақат Конституциямиз ва миллий қонунларимизни, балки мамлакатимиз қўшилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам пухта ўрганишимизни тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, жамиятимизда халқаро-ҳуқуқий саводхонликни ошириш керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, барча олий ўқув юртларида "Хорижий давлатлар Конституциялари", "Халқаро ҳуқуқ" ва "Инсон ҳуқуқлари" фанларидан алоҳида сабоқ берилишини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Айрим олий ўқув юртларида "Инсон ҳуқуқлари" фанининг кераксиз предмет сифатида ўқув дастурларидан чиқариб ташланаётгани ачинарлидир. Бу юқорида зикр этилган дастур талабларига ва умуман, замон талабларига, бизнинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат истиқболли мақсад-интилишларимизга ҳам тамомила зид, деб ўйлайман.

Шуҳрат ЖАББОРОВ, "Халқ сўзи" газетаси Бош муҳаррири ўринбосари:

-Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, таъбир жоиз бўлса, бошдан охиригача Ватанга муҳаббат, элюртга садоқат руҳи билан суғорилган. Унинг ҳар бир моддасида баён этилган сатрларни дилдан англаган, мағзини чаққан фуқаро қалбида ифтихор туйғулари жўш уриши муқаррар.

Ҳар бир инсоннинг ҳаётда кўзлаган мақсади унинг онгу тафаккурини, мафкурасини акс эттиргани каби Конституцияда битилган сўзлар орқали Ўзбекистоннинг дунё давлатлари орасида тутган сиёсатини билиб олиш мумкин. Шу маънода республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ўзбек давлатининг бош мақсади эканини англаш ҳар биримизнинг қалбимизда ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

Биз ўзбек халқи деганда кимни тушунамиз? Фақат ўзбек миллатига мансуб шахсними? Бу ҳақда 8-моддада аниқ айтилган: "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади". Биргина шу моддада мамлакатимизда истиқомат қилаётган халқларнинг бағри кенглиги, аҳиллиги акс этиб турибди. Конституцияда битилган ушбу тамойилга амал қилган халқ чинакам буюк давлат қуришга чоғланган.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, журналист-ҳуқуқшунос, "Фидокор" газетаси Бош муҳаррири ўринбосари:

— Муҳтарам Президентимиз "... Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини билмас экан, уни ҳаётий бурч сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади", деганларида минг карра ҳақ!

Яқинда бозорда бир сотувчи аёлнинг фақат маиший мавзуга "ихтисослашган" газетани берилиб ўқиётганини кўриб, савол бердим: "Сингил, бошқа газет ҳам ўқийсизми?". Аёл айтдики, аввал "Постда"ни қолдирмай ўқир эдим, ҳозир йўқ...

Нега? Маълум бўлишича, ўша аёлнинг укаси қандайдир жиноятда гумон қилиниб, тоза калтакланган, натижа чиқмагач, қўйиб юборилган... Аёл эса газетда бошқа нарсани ёзар экан, ҳаётда эса... деган ҳулосага бориб, "Постда"-ни ўқимай қўйибди.

Аёлнинг гапи таъсир қилди. Гап бу ерда газетанинг битта ўқувчиси йўқолганида эмас, балки бир инсоннинг қонунларимизга нисбатан ишончи синаётганида! Тўғрида, қонун устиворлиги, ҳуқуқий тарғибот мавзуида ОАВда чиқишларни ўқиётган газетхон айрим ҳуқуқ ҳимоячиларининг очиқдан-очиқ зўравонлигига, баъзи солиқ ходимлари тадбиркорни талаётганига тирик гувоҳ бўлса, у матбуот сўзига ишонадими?! Адолатсизликни адолат пешволарининг ўзи содир этаётганини кўриб турган одамнинг Ҳақиқатга бўлган ишончи чил-чил синмайдими?

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, ҳуқуқ тарғиботи йўналишидаги ишларни мутасаддилар бевосита аҳоли билан жонли мулоқотлар ўтказиш орқали ҳам амалга ошириш лозим. Айни шу масала бўйича ҳурматли Бўритош ака Мустафоев ўртага ташлаган таклиф қўллаб-қувватлашга лойиқ. Шунингдек, бу борадаги ишларни амалий кўриниш олинишида Фарғона вилояти прокуратурасининг жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган тажрибаларидан фойдаланмоқ ҳам мақсадга мувофиқдир.

* * *

Тадбирда билдирилган фикрларни тўла баён этиш учун газета саҳифасида ажратилган майдон имкон бермайди. Энг муҳими, иштирокчилар бугунги фикр алмашув Асосий қонуннинг 10 йиллиги арафасида ўтказилаётган тадбирларнинг дебочаларидан бири эканлигини таъкидлашди. Олдинда мазкур мавзу бўйича вилоятларда минтақавий учрашувлар ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Давра суҳбари қатнашчиларидан бирининг бўлажак мулоқотлар фақат пойтахтдан борган мутахассисларнинг маърузаларидан иборат бўлиб қолмаса, уларда оддий одамлар ҳам Конституциянинг қандай ишлаётгани хусусида фикрлар билдирса, маъқул бўларди, деган фикри кўпчилик томонидан маъқулланди.

Огоҳлик

Террор. Тинчлик. Инсоният.



Бугун террор дея аталмиш қабоҳатнинг бадбин башарасини таснифлашга ҳожат йўқ. Сабабки, терроннинг нима экани-ю унинг оқибати қандай бўлиши мактаб остонасига эндигина қадам қўйган ўқувчига ҳам равшан. Разолат ботқоғига аллақачонлар ботиб улгурган, дунёнинг "астари"-ни ағдариб ташлашга чиранаётган, турли хил найрангларлар билан ҳокимиятни қўлга олмоқчи бўлаётган ўшандай кимсаларга "манқурт"дан бўлак ном топмадим.

Улар кўнглига келган номаъқулчиликларни амалга ошириб, эртанги порлоқ келажакка умид билан тикилиб турган инсоният кўзига чўп суқмоқдалар.

Балки, эшитгандирсиз: у разиллар томонидан болаларнинг кўзига чўғ тиқилмоқда, қарияларнинг қулоқларига қўрғошин қуйилмоқда, хомиладор аёлларнинг қорни ёриб ташланмоқда. Кеча Индонезиянинг Бали оролида, бугун Москванинг қоқ марказида, эртага эса бу даҳридуннинг яна қаеридадир одамлар ўлмоқда. Кун келиб, ер шари ўз ўқи атрофидан чиқиб кетмаса, деб қўрқаман.

Оролнинг қурий бошлаганига сал кам ярим асрдан ўтди. Битта дарахт экмай туриб, кўзни чирт юмган ҳолда, ўнтасини кесмоқдамиз. Ҳаттоки, атмосферанинг азон қатламини ҳам "ёриб" қўйдик. Сувларимиз шу қадарки, ўта "тоза"лигидан балиқлар қирилмоқда. Ўтган асрни хунрезлик билан мозийга кузатдик. Янги асрни ҳам даҳшатли портлашлар билан қаршиладик (2001 йил 11 сентябрь, Нью-Йорк). Ёшларимиз чет элнинг жангари фильмларини томоша қилмаса, куни туғмайди.

Ўтган аср давомида ер юзи бўйича 47 та йирик қирғин-барот урушлар қайд этилган. Натижада 151767000 киши ҳаёт билан видолашган.

Атмосфера ифлосланиши оқибатида ҳар йили 3 млн. одам вафот этмоқда.

Қачон дунё халқлари тинч-тотувликда яшайдилар?! Наҳотки, бу она заминда абадий уруш бўлса?! Наҳот, менинг фарзандларим ҳам ўқ овозини эшитиб вояга етсалар?!

Йўқ, бунга йўл қўйиб бўлмайди!

Эй, дунё халқлари! Кетмон қўлларини дағаллаштирган бобо деҳқонлар, пахта чаноқлари юзини ёрган оналар, ўзини эр деб билган йигитлар, хуллас юртдошу заминдош, замондошлар! Барчабарчангиз бирлашинг! Қўлни қўлга бериб Еримизни, тинчлигимизни асрайлик!

Давлатжон ПОЛВОНОВ

Олтин куз неъматлари.

Хабарлар

ЛОЙИҲА МУҲОКАМАСИ

Шу йилнинг май, июнь, июль ойларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ҳаётида тубдан бурилиш даври бошланди. Олий мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган янги қонун лойиҳаси, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунга ўзгартиришлар киритилгани; Президент И.Каримовнинг маърузасида баён этилган йўл-йўриқлар соҳа эгаларидан касбимизга янада янгича муносабатлар билан ёндошишни тақозо этмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида демократиялаштириш жараёнлари қандай кечмоғи керак? Қабул қилинган ва муҳокама этилаётган қонун лойиҳалари журналистлар фаоллигини ошириш, улар зиммасидаги бурч ва масъулият туйғусини кучайтириш борасида қандай имкониятлар яратади?

Вилоят ва туман матбуоти ходимлари олдида қандай долзарб вазифалар, муаммолар ўз ечимини кутмоқда?

Хоразм вилояти ҳокимлиги, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган семинарда айни шу каби саволлар юзасидан маърузалар қилинди, фикр мулоҳазалар алмашинилди.

Олий Мажлиснинг матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов "Матбуот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси хусусида атрофлича ахборот бериб, мазкур қонун ОАВни янада эркинлаштириш борасида муҳим қадам эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари Миракмал Миролимов, Олий Мажлис депутатлари Иброҳим Ғафуров, Муҳаммаджон Обидов, Ҳуршид Дўстмуҳамедов жамиятни эркинлаштиришдек эзгу ният йўлида ОАВ ҳамда журналистлар олдида турган вазифалар хусусида фикр алмашдилар. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилояти ва мезбон Хоразм вилояти газета, телерадио журналистлари иштирокида ўтган семинарда кўплаб саволларга жавоб берилди, ўзаро фикр алмашинувлари қизиди.

«Ҳамкор» мулоқатга чорлайди

Фарғона водийси журналистларининг "Ҳамкор" клуби халқаро Сорос жамғармаси Очиқ жамият институти гранти асосида иккинчи йил фаолият юритмоқда. Иқтидорли ёш журналист, "Суҳбатдош" газетасининг бош муҳаррири Азизбек Абдувалиев ташкилотчилик борасидаги истеъдодини водий журналистлари ҳамкорлигини оширишга қаратиб, мазкур лойиҳа директори сифатида ҳавас қилса арзигулик ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, уч вилоят журналистлари ҳар ойда йиғилишиб, шу куннинг энг долзарб мавзу ва муаммолари юзасидан фикр ва тажриба алмашадилар.

Куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги машғулот "Цензура бекор бўлди — ўзгаришлар қандай?" деб аталди.

Машғулотда иштирок этган ёзувчи ва публицист, Ўзбекистон ОАВни демократиялаш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси Х.Дўстмуҳамедов "демократия" сўзи серқатлам ва сермаъно тушунча эканлиги, ОАВнинг тўла маънода демократиялашуви биринчи навбатда журналистларимиз ва ишчиларимиз менталитетидаги эврилишлардан бошланажаги, бу борада шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмаслиги, балки демократия юксак маданий турмуш ва фаолият тарзи эканлиги хусусида сўзлади.

Ўз фикр-мулоҳазалари билан самимий ўртоқлашган андижонлик, фарғоналик ва наманганлик ҳамкасблар соҳага доир қонунларни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишда журналистларнинг ҳамкорлиги қутилган самара беришини таъкидладилар.

Мухбиримиз

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Мушоҳада

РАМ СОҲИБДАН ҲАММАГА САЛОМ

Дадахон НУРИЙ

Айтилган кун у келди. Соҳиб мусаввирлик иқтидори бор кишиларни Оллоҳнинг назари тушган, илоҳий мўъжиза яратувчилар деб биларкан. Ҳинд классик шириятининг-ку, ўта мухлиси экан. Мир Тақи Мир, Иқбол, Ғолиб каби шоирлар ғазалларини ҳиндустонида, Бедил, Деҳлавий, Ҳайём рубоийларини форсийда ёддан айтар, айтганда ҳам ёқимли оҳангдор қилиб айтарди... Лекин дастурхон устида гурунгимиз кўпроқ Мирза Ғолиб ҳақида бўлди.

Биз ўзбекистонликлар асли шаҳрисабзлик Қўқонбекхоннинг фарзанди бўлган Мирза Ғолибни ҳинд шоири сифатида шунчаки кинолар орқали билганимизни айтганимда, у ҳайрон қолди. Сабабини тушунтириб бердим: байналминал коммафкура фақат "катта оғалар " измида бўлиб, кичик миллатларга алоқадор дунё тан олган даҳолар ҳақида бирон "маълумот" чиқиб кетишига йўл қўймаганлар. Шунинг билан бутун диққат-эътиборни ўзларидан чиққан буюк зотлар номини тарғибот қилиб, кўкларга кўтаришга қаратганлар. Шеърият, сиёсат, табобат фалакиёт сирларини ўрганиш-у илми нужумда ҳам улар "Биринчи" бўлишлари зимдан қонунлаштириб қўйилган... Бироқ ойни этак билан ёпиб бўлмас, деганларидек, ҳақиқат барибир юзага чиқди. Биз ўз қадриятларимизни қайта тиклай бошладик. Ақл заковати билан дунёни лол қолдирган буюк бобокалонларимиздан хабар топдик. Шулар қатори Мирза Ғолиб ҳам ўзимизга қайтди, китоблари чоп этилди, Тошкентдаги маҳаллалардан бири ҳамда катта кўча шу буюк аллома номи билан атала бошлади.

Бу янгилик Ҳинд ярим ороли мамлакатлари бўйлаб тез тарқалди. Маҳалла шоир мухлислари истаб-сўраб келадиган зиёратгоҳга айланди.

Кўп ўтмай бу ерда Ҳиндистон, Покистон элчихоналари ходимлари, кўплаб тижоратчи ва зиёлилар иштирокида Мирза Ғолиб масжид-мадрасаси пойдеворига биринчи ғишт қўйилди. Шоирга эҳтиром юзасидан бу қутлуғ даргоҳ қурилишига кўнгилдан чиқариб ўз улушини қўшаётганлар кўпайиб бормоқда эди.

Говинда Рам ҳам аллома шоир номидаги маҳаллани зиёрат қиларкан ўзига хос қўли очиқлик билан ҳиссасини қўшди, каттагина миқдордаги иньом пули масжид хайрия дафтарида қайд этилди.

Худди шу куни қўшни мавзеда истиқомат қилувчи Мирза Ғолибнинг кўплаб ғазалларини ўзбекчага ўгирган машҳур шоиримизнинг таваллуд айёми нишонланаётган эди.

Маҳалла оқсоқоли Убайдулла ака Пўлатов илтимоси билан шоир хонадонига уни муборакбод этиш учун бирга бордик.

Тўкин дастурхон атрофида анчагина киши йиғилган, улар ижодкорнинг яқинлари ҳамда дўстларидан иборат эди.

Тўрда савлат тўкиб, олтмиш ёшлар нари-берисидаги думалоқдан келган, ўша пайтлар номи анчагина тилга тушиб қолган хорижий сармоядор ўтирарди. У чет эллик бўлса ҳам, "ўзимиздан" эди...

Кўпчилик эсласа керак, тўқсонинчи йиллар ғалати бир ҳолат кузатилганди: кутилмаганда Ўзбекистонга Иттифоқ миқёсидаги туристлар ёғилиб кела бошлади. Тинимсиз қатнаб турувчи ҳар хил йўналишдаги тезюрар поездларда, самолёт-у машиналарда, қатор-қатор бўлиб шахсий уловларда келишарди. Улар бир неча йиллар давомида Москвадай улкан шаҳарга ёпирилиб, "талаб"ётган, ҳатто оммавий ахборот воситалари "мешковик" (қоп орқалаган)лар деб расман ном билан атай бошлаган, кўзлари бежо, жонсарак кимсаларга ўхшаб, энди биз томон силжигандай эди. Бу оломон "сайёҳлар" қадимий мамлакатимизнинг бирон тарихий жойини зиёрат қилишга қизиқмас, ўзини дўкон-у бозорларга урар, ҳатто четроқ районларни ҳам изғиб, нимаики бўлса – газмол, кийимкечак, пойафзал, алюмин ёки пластмассадан ясалган пақиру тоғорадан тортиб, чақалоқларнинг сумаку тувакларигача харид қиларди. Бу жуда ғалати эди – замон охирлаб, талвасага тушган кишилар ҳолатини эслатарди.

Лекин бизда одатдагидай хотиржамлик – дўкондорлар план тўлаётганидан, улгуржи савдо ходимлари мол сотилаётганидан димоғлари чоғ эди.

Бу ҳолат бир йилча давом этди. Кейин... "мешковиклар" олдиндан хабардор эканми, "Иттифоқ" кунпая-кун бўлди... Кўкрагимизга мустақиллик шаббодалари эса бошлаганда бизга мерос бўлиб шип-шийдам дўконлар-у ҳувиллаган бозорлар қолганди. Шу бозор-у турли-туман савдо шаҳобчаларини бутлаб турувчи анъанавий йўллар беркилган, ёш давлатимиз "эркин иқтисодиёт" деган тамойил билан рўбарў бўлиб турарди.

Халқимизда қийин аҳволда қолсанг, энг биринчи узоқдаги қариндош эмас, ён-атрофингдаги қўшнинг чопиб чиқади, деган гап бор.

"Қўшнилар" кўмакка келдилар. Улар орасида тақдир тақозоси билан узоқ йиллар мобайнида она еридан оёғи узилиб қолган, омади юришиб, ўзга юртларда обрў орттирган, анча бадавлат яшаётган ҳамюртларимиз ҳам бор эди... Шу каби тижорат "элчилари" бир-биридан ранг, турли-туман моллар келтиришар, ҳамма ёқда серобчилик бошланаётгандай эди... Тилимизга "тижорат", "тижоратчи", яна оҳангжамароқ "бизнес", "бизнесмен" деган лаҳжалар кириб келди.

Шоир меҳмони "бизнесмен" ватандошимизнинг кўзи Рамга тушиб бирдан чехраси ёришгандай бўлди:

— Э, акои Рам! –дея жундор билагини ҳаволатиб қўйди ва ёнидаги бўш курсини кўрсатди, — Қани, бу ерга ўтиринг!

Улар ҳол-аҳвол сўрашиб кетишди. Бир-бирларини аввалдан билишаркан. Тижоратчида!

Меҳмон кафтини йигит елкасига қўйди-да, ўтирганларга юзланиб салобатли овоз билан:

— Ўзи ёшгина бўлса ҳам тиниб-тинчимас, ишнинг кўзини биладиган бола. Қўли очиқ, мард! –деб қўйди.

Мен бу сўзларга қўшимча қилиб, меҳмон йигит ҳақида батафсилроқ гап айтдим.

Убайдулла ака шоиримизга узоқ умр тилаб, қалам аҳли ҳар доим мамлакатларни, халқларни бир-бири билан боғловчи элчи бўлиб келгани ҳақида гапираркан, Рам соҳибнинг бу хонадонга ташрифи ҳам Мирза Ғолиб номи билан боғлиқлигини айтди.

Даврада камсуқумгина бўлиб ўтирган адиб Ҳудойберди ака Тўхтабоев қадаҳни баланд кўтариб, ўрнидан туриб кетди. Шу ажойиб кунда қўли очиқ бу йигит билан иккинчи бор учрашаётганлигидан беҳад хурсандлигини изҳор этаркан, шундай деди:

— Юртимизга келаётган тижоратчиларнинг кўпини кўраяпмиз. Назаримда улар учун энг биринчи мақсад пул ишлаб олишга ўҳшайди. Қори Ишкамбадай ҳар сўм устида талашиб-тортишишганини кўрганмиз. Ўша "ҳамкасблари" олдида бу укам Хорун Ар-Рашид! Ҳаммамиз ўз меҳвари атрофида миллион йиллардан бери айланиб ётган шу муқаддас замин фарзандларимиз, ҳаммамиз буюк аллома Шахсларнинг меросхўрларимиз. Мана шу хислатлар бизларни бир дастурхон атрофига жамул-жам қилиб турибди. Эшитишимча, Говинда Рам асли ҳинду, лекин умуминсоний эътиқод, ажойиб фазилат эгаси эканлигини мана, маҳаллақўм айтиб ўтдилар. Мен Мирза Ғолиб масжиди битгач, ҳар жума намози пайтида шундай Инсонлар ҳаққига дуойи фотиҳа қилишини истардим. Чунки ҳиматпешалик ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Мустақиллик йўлида энди тетапоя бўлиб бораётган юртимизда Рам соҳибдай кишилар кўпаяверсин, ишлари юришавериши учун шу қадаҳни... – бирдан нотиқ ҳушёр тортиб кетди, -бундай сўзлардан сўнг ичиш қандоқ бўларкин?...

Ўртада енгил кулги кўтарилди.

— Худойберди ака! –дея овозини баланд қўйиб, ҳаманинг диққатини ўзига қаратди "ҳамюрт" тижоратчимиз, -Гапингиз жуда тагдор бўлди-ку. Лекин биз сиз назарда тутганлардан эмасмиз. Қўлимиз очиқ. Шоирларни ҳурмат қиламиз. Муҳтарам маҳалла оқсоқоли телефонимиз номерини ёзиб олсинлар. Мирза Ғолиб учун пул ўтказишга тайёрмиз...

Шундан кейин шеърхонлик бўлди: Рам Ғолиб шеърларини ҳиндустанида айтди, хонадон соҳиби уни ўз таржимасида ўқиди...

Вақт алламаҳал бўлганда хайрлашарканмиз, Рам Убайдулла акага деди:

— Мени ҳам масжид қурувчилар сафига қўшиб қўяверинг. Энди тез-тез келиб тураман.

Чиндаман у бир неча марта маҳаллага келиб, қурилишда иштирок этаётганлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ташлаб кетибди.

Ҳатто ургутлик машҳур меъмор уста Улаш Жалилов бошлиқ ғишт терувчиларга икки ойлик моянани ҳам ўзи тўлабди.

Мен буни маҳалла оқсоқолидан эшитиб:

— Демак иши зўр, тижорати чакки эмас! –деб қўйдим.

— Жанубий вокзал томонда "Ҳинд чойи" дўкони очибди. Анча арзон эмиш. Буни эшитган кўпчилик ўша ёққа ёпирилиб бораётганмиш. Омадини берсин, деб дуо қилиб турибмиз, -деди маҳалла оқсоқоли.

Одам бойиганда хоҳлайдими-йўқми бироз ўзгаради. Янги таниш-билишлар, ҳамкасб даврадошлар кўпаяди. Ва албатта вақти тиғиз бўлади. Кузатиб билдимки, бу тижоратчилик дунёсидага пасту баланд ҳаётнинг абадий қонуни.

Говинда Рам ҳам "тиркчилик" ишларига шундай шўнғиб кетди чоғи, узоқ вақт кўринмай қолди.

Ишни ўринбосари-ҳамкорларига топшириб, ўзи Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб юрганидан, шу билан кўп вақтини "чет"да ўтказаётганидан хабар топиб қолардим. Унинг чой дўкони орқасидаги мўъжазгина хонадан иборат "Офиси" аксар ёпиқ бўларди.

Бир куни телефон жиринглаб қолди. Овоз таниш.

—Лаббай, -дедим.

— Жаноб, кечга томон уйингизга ўтсам, қабул қиласизми?

— Ким гапиряпти?

— Ана шунақа-да. Дарров унутиб юбордингизми? Рамман. Аэропортдан қўнғироқ қилаяпман, -у бинойидай бизнинг тилда гапирарди.

— Қойил. Ўзбекчани ўрганиб олибсиз-ку!

— Муомаладаги сўзларнинг ўттиз фоизидан зиёди муштарак-ўхшаш бўлгандан кейин ўрганаманда!

— Ансориддин Иброҳим (шу соҳада илмий иш олиб бораётган ҳиндшунос ўзбек олими-Д.Н.) бўп кетинг-е! Кутаман. Бир гурунглашамиз. Шарт шуки, сиз ўзбекчада гапирасиз... Қандай таом ейдилар!

— Палов-да. Фақат мол гўштидан бўлмасин!

Айтилган вақтда эшик кўнғироғи жиринглади.

Рамнинг бўйи чўзилиб, бироз ихчамлашган, одатдагидай бардам кўринарди.

Дастурхон устида гурунгимиз қизигандан-қизиди.

Говинда Рам суҳбат орасида "нозик" гап ҳам айтиб қолди:

— Машҳур шоир Ғафур Ғулом Тошкентнинг Хадра даҳасида ҳиндистонликларнинг бир нечта тижорат дўкони бўлганлиги ҳақида ёзган эканлар. Ўша дўконлар кейин ҳам анча вақт ишлаб турган, рупия муомалада бўлган. Энди мен ҳам шу анъанани давом эттираман, деб Хадра атрофидан бир бинони сотиб олдим, дўконга мослаб жиҳозладим. Лекин ижозат беришга анча қиммат сўрашяпти.

Мен унга ҳайрон бўлиб қарадим:

— Ижозат учун ҳам пул тўлаш керакми?

Бирдан Рамнинг юзларида муғомбирона жилмайиш пайдо бўлди:

— Э, буни сиз ёзадиганларга айтиб бўлмайди. Тижорат сири, -деди-да, гапни бошқа ёққа бурди. -Ҳозирча чой дўконимизда ишлар яхши. Нолийдиган жойимиз йўқ.

— Ҳа, эшитдик, харидорларингиз кўпайибди, навбатда туришаримиш.

— Сифатли, арзон мол ҳамиша харидоргир бўлади. Лекин инсофни унутганлар ҳам топилиб қолди. Улар биздан кўтарасига маҳсулот сотиб олиб, сал нарирокдаги "Ипподром" бозорида бир ярим – икки баробар ортиқча нархда сотишаётганини билиб қолдик. Шундан кейин киши бошига беш килодан ортиқ маҳсулот сотмасликка қарор қилгандик, "очеред" деган нарса пайдо бўлди. Бугун ҳам аэропортда эдим, янги мол келди.

— Ундай бўлса, -дея гурунгдошим сўзини бўлдим, -яна бирон хонимга пул улашгандурсиз!

— Сиз сўраманг, мен айтмай, у кулганича кафти билан столга уриб қўйди, -бир пайтлар ўнг келганга ишониб, юз-кўзига қарамай борбудингни улашаверма, деб берган даккингизда жон бор экан. Одамлар ўзгариб кетган шекилли! У хоним-ку, майли-берган телефон рақами, Бобур кўчасидаги "99" ўй ҳам йўқ-ёлғон экан! Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, имонли деб мен ишониб юрган бир "онахон" каттагина чиқимга тушурганига нима дейсиз! – бирдан унинг қарашлари жиддийлашиб, хомуш тортиб қолди.

(Давоми бор).

Воқеа

Қотил ота кўз ёшлари

Кимники Тангри дўст тутиб қолса, Унга одамларнинг ҳожатини тушадиган қилиб кўяди.

Ҳадиси Шариф.

Уфқдаги қизил шафақларни қоронғулик қора тўрига ола бошлаган паллада шаҳар шифохонаси жарроҳлик бўлимига оғир аҳволдаги бемор йигитни келтиришди. Автоҳалокатга учраган йигитнинг оёқ-қўллари синган, ички аъзолари қаттиқ лат еганди. Беморнинг моматалоқ бўлиб шишиб кетган танаси уни шифохонага келтиргунга қадар анчагина муддат ўтганидан далолат берарди. Аксига олиб, оғир жарроҳлик операцияларини ўзи ўтказадиган бош врач Самадов ўта муҳим мажлиси борлигини айтиб чиқиб кетганди. Ноилож, ҳамширалар беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билан чекланишди. Навбатчи врач Воҳиджон уни текшириб кўрди. Ҳалокат пайтида кўкрак суяклари синиши натижасида йигитнинг юраги қаттиқ шикастланган экан. У таассуф ва ячиниш билан беморнинг юзига боқди. Ажабки, йигитнинг юзи танада кечаётган пўртаналардан бехабар каби хотиржам, сокин эди. Пешонасига тушиб турган жингалак сочлари унга масъумлик бағишлаётгандай эди. Воҳиджон жарроҳлик операциясини эҳтиёт билан бошлаш зарурлигини тушунди. Бироқ бу масъулиятга юраги дов бермади. Бош врачдан эса дарак йўқ эди...

Бу пайтда Самадов шофёри билан шаҳар четида "шеф"нинг дачасида ўюштирилган базми-жамшиддан қайтарди. Оламжаҳон даврўқли катта рахбар обрўсига мос зиёфат берди. Зиёфат дастурхонига қуш сутидан бўлган жами нозне‌ъматлар тортилди. Бироқ шеф унга яхши мулозимат кўрсатмагани сабаб, бу нозне‌ъматларнинг бирортаси ҳам Самадовга татимади. Доим очиқ юз билан кўришадиган каттанинг совуқ муносабати Самадовнинг кўнглига ғулғула туширди. У "валинеъмати"нинг зиёратига борганига ҳам бир ойдан ошганини эслади-ю, дам олиш куни "пакет" қилиб шефнинг уйига ўтишни кўнглига тугиб қўйди...

Бош врач дарвозадан кирар экан, шифохонада ўзгача бесаранжомликни кўрди. У машинасидан тушиши билан Воҳиджон ҳаллослаганча югуриб келди.

— Анвар Мансурович, оғир аҳволдаги бемор бор. Тезроқ операция қилинмаса ҳалок бўлиши мумкин!

— Менсиз бирор иш қиласизларми ўзи? Шунчалик ношуд бўладими одам?!

Воҳиджон шаҳд билан хонасига кириб кетаётган бош врачнинг ортидан таажжубланиб қараб қолди. Сўнг жингалак соч йигитнинг тобора сўлиб бораётган юзини кўз олдига келтирди-ю, Самадов ҳар қанча ёмон кўрмасин, унга операция жудажуда зарурлигини эслатиб қўйишга қарор қилди ва изма-из бош врач хонасига кирди. Самадовнинг тунд қиёфаси навбатчига бошқача таъсир қилди. "Айтиш керакми ёки шарт эмасми?" Воҳиджон оний иккиланиш туфайли ўз-ўзидан уялиб кетди.

— Анвар ака, ёшгина йигит экан. Агар тезда ҳаракат қилинмаса, увол кетади, ахир! – дадил сўз бошлади у.

Шунча вақтдан буён "Анвар Мансурович"га ўрганиб қолгани учунми, ходимининг "ака"лаб мурожаат қилиши Самадовга бироз ёқинқирамади. Боз устига хаёлига каттанинг муомаласи келди-ю, кўнгли баттар хуфтон бўлди.

— Ким экан у беморингиз? Орқасидан бирортаси келдими, ҳаракатлари бораканми ўзи? – асабий саволга тутди Воҳиджонни.

— Ҳа-а... Ўзи автоҳалокатга учраган. Ҳозирча ҳеч кими келгани йўқ. Милицияга хабар берилди. Ажабмас, яқинлари келиб қолишса, - навбатчи қанча тез гапирса, бош врач шунча тез операция бошлайдигандек шоша-пиша тушунтира кетди.

— Кута турамиз. Отасими, акасими, бирор қариндошими келсин-чи, шунга қараб иш тутамиз.

Бош врачнинг "кўрсатмаси" Воҳиджонга бошидан бир пақир сув қуйиб юборгандай таъсир қилди. Яқиндагина олийгоҳ партасида ўтириб, докторнинг қалби либоси каби пок, шифокорнинг шарафли бурчи ҳақида минг бир маърузаларни тинглагани учунми, Воҳиджон дафъатан Самадовнинг гапига тушунмади, тўғрироғи, уни ҳазм қилолмади. Ёш ходим бош врачни биринчи бор кўриб турганидек ҳайрат билан тикилиб қолди. Самадов бу ҳақда бошқа гапириб ўтиришни истамади. Воҳиджон сўнгги илинж ила: "Биласизми", — деб сўз бошлаши билан

— Бўшсиз, чиқишингиз мумкин, — деди бошқа гапга ўрин қолдирмайдиган тарзда.

Воҳиджон хонадан ҳайдалгандан баттар бўлиб чиқар экан, ҳозиргина ҳам ҳайрати ҳам ғазабига сабаб бўлган инсон кўнглида эзгулик ва ҳудбинлик тўйғулари ўртасида аёвсиз кураши бошланганини сезмай қолди. Самадов шу пайтга қадар кимгаки яхшилик қилмоқчи бўлса, аввало, унинг ортидан келадиган манфаат ҳақида ўйлади. "Сиздан угина, биздан бугина". Шу эди унинг ҳаёт фалсафаси. Бир пайтлар газетада қизиқ бир карикатура кўрганди. Карикатурада бир боланинг дарёга чўкиб кетаётгани, унинг олдига қайиқда етиб келган қутқарувчининг "Пулни ҳозир берасизми ёки соҳилдами?" деб илжайиб тургани тасвирланди. Бу карикатурани нима учун эслаганини билмайди, бироқ у айни ҳолатда ўзини қутқарувчига қиёслади. Бир неча дақиқа давом этган виждон сўроғи алалоқибат қалбининг туб-тубида яшириниб ётган инсоф, диёнат, раҳм-шавқат туйғуларини уйғотиб юборди. Бу пайтга қадар кўнгил зийнати бўлмиш бу туйғулар дунё дарахтининг шоху бутоқлари остида топталиб ётарди...

Бироздан сўнг котиба Воҳиджонга бош врач йўқлаётганини айтди.

— Ўн минутдан кейин операцияни бошлаймиз, — деди Самадов навбатчи хонага кираркирмас. Ҳар не кимса ҳам раҳбардан бундай "ҳотамтойлик"ни кутмаган Воҳиджон:

— Хайрият, яхшиликка бўлсин, — деди-ю, югурганча чиқиб кетди. Бироқ жингалак соч беморни операция қилиш Самадовга насиб этмади. У айтган ўн дақиқа ҳам ўтмаган ҳам эдики, унга бемор йигитнинг ўлими хабарини келтиришди. Негадир шу лаҳзада самадов ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрмай, навниҳол кетган ёш йигитнинг аянчли тақдирига ачиниш эътибор бермади. Билакс, бу ўлим унинг курсисини қаттиқ силкиб ўтиши мумкинлигидан хавотирга тушиб, беморни шахсан яна бир текширишга ўрнига ахд қилди. Бош врачни бемор ётган хонага бошлаб борган Воҳиджон етти ухлаб, тушига кирмаган ходисага гувоҳ бўлди. Устига оппоқ мато ёпилгпн беморни юзини очган Самадов қутилмаганда:

— Ўғлим!.. Жон болам!.. – деб қаттиқ бақириб юборди. Дафъатан ҳеч нарсага тушунмай қолган Воҳиджон даҳшатли ҳақиқатни англагандай бўлди. У Самадовнинг яккаю ягона ўғли борлигини биларди. Негадир шу лаҳзада унинг кўнглида ёш ўғлоннинг жасадини кўчиб олиб кўз ёш тўкаётган қотил отага нисбатан ачиниш эмас, нафрат ҳисси уйғонди. Воҳиджон хонадан аста суғирилиб чиққан пайтда Самадовнинг ўкириб йиғлагани ва ҳайрат-надоматга тўла овози эшитилди.:

— Увол кетган болагинам! Сен ўлгунча, бадбахт отанг ўтса бўлмасмиди...

Собиржон ЁҚУБОВ

Ҳасрат

Сукутнинг тагида нима бор?

"Ҳурриятга" бир йилдан буён обунаман. Унда чоп этилаётган мақолаларни синчиклаб ўқийман. Негадир бугун ўқувчи сифатида эмас, кўнглини ёришини истаган ҳам дард сифатида, сизга мактуб ёзаяпман. Ҳеч кимдан шикоят қилиш ниятим йўқ. бу балки бир туйғудир . Ҳар ҳолда уни "Ҳуррият" ва унинг муштарийлари билан билан бўлишгим келди. Яқинда ширкат хўжалигида анча йиллар раҳбар бўлиб ишлаб юрган, ҳазрат Навоийдананчайин хабардор, Фирдавсийнинг "Шоҳнома" сини деярли ёд олган, Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар"ини кўзда ёш билан неча ўн маротабалаб ўқиб чиқган шоиртабиат акамни негадир йил охир бўлмасдан, пахта терими энди бошланай деб турганда ишдан олишди. Сабабини ким билади энди, сал бетга чопарроқ эдилар. Раҳбарларга ёқмай қолдиларми ё шоиртабиатликлари панд бериб қўйдими, ёҳуд беайиб парвардигор дегандай ўзларидан бирор камчилик, хато ўтдими-бунисини билмадим. Асосийси бу эмас. Мени хафа қилган нарса акам жуда халқпарвар, ночор онлардан ҳатто ўз шахсий маблағини ҳам аямайдиган, кеча-кудуз мен хўжалик аъзоларини албатта бой қиламан, деб югуриб еладиган раҳбарлар тоифасидан эдилар.

Катта акам у кишининг Навоийга унчалик тишлари ўтмасада Тольстой, Достоевскийларни мен билан ҳижжалаб муҳокама қиладилар, адабиётга жуда ўчлар, шу боис иккала акам билан ҳам фахрланаман. Зокир акам ширкат хўжалигига раҳбар бўлганларидан буён –укажон менга лоақал 1 гектар ер беринг, ўзинг биласан деҳқончиликни яхши биламан ўзим ҳам фойдаланаман, ширкат хўжалигига ҳам фойдам тегади. 10 та болани катта қилиб ўқитиб, уйли жойли қилиб, ўзлари харобгина 20-30 йиллик эски уйида яшаётган кекса ота-онамнинг ҳам уйларини бир-галашиб янгилаб берамиз, деб қанча ялинган эдилар. Лекин Зокир акам- йўқ, гап тегади ака, ўз акасига ер бериб қўйибди, ширкат хўжалигида ишламаса ҳам, деб рози бўлмай келар эдилар. Акам ишдан олинадиган кунлари юқоридан раҳбарлар келибхўжалик аъзоларини йиғиб З.Ҳусаинов ишдан олиндилар ўрниларига ҳеч ким, на идора ходимлари, на пудрат бошлиқлари –ю, на хўжалик аъзоларидан бирорта киши туриб пахта, дон, пилла режалари бир неча йилдан бери доим туманда биринчилардан бўлиб бажариляптику. Сабаби нима раҳбаримизни ишдан олишларингизнинг, деб сўрамаган. Лоақал 8-9 йиллик оғир меҳнатингиз (чўрилик, қарздор бўлиб қолган эди, шу йиллар давомида акам буйрак, ошқозон, қон босими касалликларини орттирдилар) учун раҳмат ҳам демаган ҳеч ким.

Шу воқеалардан бироз ўтгач, оилавий суҳбатларнинг бирида катта акам Зокир акамга зуғурларини очаяптилар:

— Ула-қол! Бечора парвозингдан кетиб дарров рақибинг ҳам бўлдилар, халқим, халқим деб ўзингни томдан ташлар эдинг. Эшитдим сен жонингни фидо қилган ўша халқингдан бирортаси туриб ҳимоя қилолмабди-ку. Ҳаммамиз жимиб қолдик. Зокир акамга қарадим, кулиб турибдилару лекин кўзларининг туб-тубида изтироб сояси... Дарров катта акамга ўгирилдим- "сиздан шу гапни кутмагандим ака! Ахир адабиёт ҳақидаги гўзал суҳбатларимизда севимли шоиримиз А.Ориповнинг ушбу байтларини қанчалик кўп такрорлар эдик-ку, наҳот унутингиз ?!"

Машраб осилганда
қаёқда эдинг?
Лорка отилганда қаёқда
эдинг?
Суриштирганмидинг
Қодирийни ё,
Қалқон бўлганмидинг
келганда бало?
Ҳукмлар ўқилур
сенинг номингдан
Тарихлар тўқилур
сенинг номингдан
Нимасан? Қандайин
сеҳрли кучсан?
Нечун томошага
бунчалар ўчсан?

Ахир ўлар Қодирийни суриштирмаганлар-а Қодирийни!!! Ҳолбуки укангиз! (Ҳар доим шу мисраларни такрорлаганимда томоғимга алланарса тиқилиб қолади... Эссиз менинг Қодирийгинам, ёзилмай қолган яна юзлаб Кумушларим, Ойбекларим менинг...)

Хуллас бу нарса ўша қатоғон йилларидан бизга мерос бўлиб келаётган миллатимизнинг катта камчилигидир деб ўйлайман. Ҳар доим ҳам ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ дея олмаймиз. Сукут сақлаймиз бу сукутнинг тагида нима бор андишами, кўрқоқликми, ёки юқоридан келиб айтишдими, демак ҳақ гап айтилаяпти деган фикрми билмадим?...

Акажон руҳингизни асло туширманг, ҳали халқ орасида меҳнатларингиз, одамларга қилган яхшиликларингиз кўп қадрланиб эсланади. Бу ҳаётда ҳақсизлик барибир мавжуд сизнинг севимли Фирдавсийингиз нега фарёд чекади:

Тилга кирар
Фирдавсий ҳам
Лаънат-дейди тақдирга
Рустам, Золни
таниб олам
Ўзим қолдим
Таҳқирга...

Сизларни менинг қадрдон акаларим ҳали жуда юксак манзиллар кутади. Раисликда бўлмаса ҳаётнинг бошқа жабҳаларида: тадбиркорликда, тижоратда, деҳқончиликда. Муҳими руҳларингиз тушмасин, Оллоҳ сизларни одамларга яхшиликлар қилиш бахтдан бебаҳра қилмасин!

Тоғай Мурод нима деган эди сиз ёдлаб олган эдингиз-ку ён дафтарингизнинг энг бошида турар эди-ку, эссиз мен эслолмаяпман- "яшасин душманларим, агар улар бўлмаганида мен Тоғай Мурод бўлолмас эдим...ми?"

Акажон эҳтимол, бу ҳам сизга ўзлигингизни англаш учун берилган ҳаётнинг бир синовидир...

Д. ҲУСАИНОВА

Танловга марҳамат!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида баён этилган вазифалардан келиб чиқиб,

"Халқ сўзи" ва "Народное слово", "Правда Востока" газеталари Матбуот тарқатиш акциядорлик уюшмаси, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб- қувватлаш ижтимоий- сиёсий жамғармаси мамлакатимиз журналистлари орасида

"Ўзбекистон ва Ўзбекистонликлар" — "Мустақил Ўзбекистон замондошларимиз сиймосида"

мавзуларида энг яхши публицистик асарлар танловини эълон қиладилар.

— мустақиллик энг азиз ва энг улуғ неъмат эканлиги;

— истиқлол йилларида мамлакатимизда юз берган ва бераётган ҳаётбахш ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг йил сайин гўзаллашиб ва кўркамлашиб бораётгани;

— кишиларимиз тафаккуридаги ўзгаришлар;

— мустақиллик йилларида эришилган мислсиз ютуқларнинг кишиларимиз тақдирида унутилмас ва ўчмас из қолдираётгани;

— тиниб-тинчимас, эзгу мақсадлар билан ёниб яшаётган юртдошларимиз онгу тафаккуридаги ўзгаришларнинг бош илҳомчиси истиқлол эканлиги;

— фидоийлиги ва ташаббускорлиги билан барчага ўрнак, намуна бўлаётган ажойиб замондошларимиз сиймосида Ватанимизнинг буюк келажаги акс топаётгани.

ёрқин бўёқларда, янгидан-янги шаклларда ва таъсирчан услубларда тараннум этилган энг яхши публицистик асарлар танловга қабул қилинади.

Танловга тавсия этилган асарлар 2002 йил давомида матбуотда эълон қилинган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари қўйидагича тақдирланади:

1-ўрин (битта) — энг кам иш ҳақининг 60 баробари миқдорида;
2-ўрин (иккита) — энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорида;
3-ўрин (учта) — энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида;

Ғолиблар 2003 йил февраль ойининг охирида эълон қилинади.

Асарларни Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий- сиёсий жамғармаси 15 — январгача қабул қилинади.

(Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй 3- қават. 34 хона) тел: 144-64-62, 144-37-87
Танловга марҳамат, азиз журналистлар!

Шукрона

«КЎЗЛАРИМ ҚУВОНИК, ДИЛИМ ЯЙРАДИ»

У киши асли Наманган шаҳрининг Анорзор маҳалласида дунёга келган. Ўша давр тақозоси сабаб оталари - Ойибберди махсум домла билан Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрига кўчиб кетганлар. Бу шаҳарда ўз нуфузига эга алломалардан бири бўлган Фазлиддин махдум ҳозирда 80 ёшда. Яқинда ўзининг яқин қариндош уруғлари, ёр-биродарлари билан дийдорлашиш мақсадида Наманганга ташриф буюрган Фазлиддин махдум вилоят ҳокими ўринбосари Б.Ирисов қабулида бўлиб, юртимизда, хусусан вилоятда амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

— Бундан 11 йил аввал ҳам она Ватанимга келган эдим,- дейди отахон суҳбат чоғида. — Бу сафар Тошкентдан Наманганга машинада келдим. Гапнинг рости, қисқа муддат ичида юртимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Кенг ва равон йўллар, осмонўпар муҳташам бинолар, боғ-роғлар, ям-яшил майсазор ўтлоқлару суви баланд-баландларга отилаётган фавворалар...Эҳ-ҳе, буларни санаб адо қилолмайман. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик ва доно раҳбарлик мевасидир.

Қадрли меҳмон мамлакатимизда диний эркинликнинг тўғри йўлга қўйилгани, биргина Наманган вилоятида 184 та диний ташкилот борлигини эшитиб, хурсанд бўлдилар.

Дарҳақиқат, вилоятда 180 та масжид, 3 та ноисломий ташкилот, Мулла Қирғиз номидаги ўрта махсус билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, мустақилликкача вилоятда атиги 84 нафар фуқаро муборак Ҳаж зиёратини адо этган бўлсалар, бугунги кунга келиб уларнинг сони 12,5 мингдан ошиб кетгани чиндан-да қувонарли ҳол. Ҳукуматимиз, хусусан Президентимиз томонидан қилинаётган шу ва шу каби ғамхўрликлар Ҳаж зиёратида бўлганларнинг минатдорчиликларига сабаб бўлмоқда.

— Ана ватандошларимизга Ҳурият берган неъмат – дейди, отахон. — Шунча одамнинг орзуси ушалибди. Ҳаж зиёратига борувчилар учун эшигимиз ҳамиша очиқ. Уйимизнинг тўри ватандошларимиз учун.

Қабул сўнгида Фазлиддин Маҳдум Наманганий бутун Ўзбекистон халқига сиҳат-саломатлик, тинч-тотувлик тилаб, ўз юрти гуллаб яшнаши учун енг шимариб хизмат қилаётган барча биродарларга Яратгандан ғайрат-шижоат сўрадилар.

Ғ. АКБАРОВ
«Наманган ҳақиқати».

ҚУТЛОВ

Дадажоним, Боймўмин СУЛТОНОВ!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этаман. Сизга яратгандан фақат сиҳат-саломатлик тилайман. Сиз бизнинг бахтимизга ҳамиша омон бўлинг. Ўғлингиз Иҳҳом Жўраев, Қашқардарё вилояти, Чироқчи тумани, Хўжали қишлоғи.

Азиз ва муҳтарам онажоним Машрабхон АЛИМҚУЛОВА!

Сизнинг 50 ёш, ярим асрлик таваллуд кунингиз билан муборакбод этамиз. Яратгандан сизга фақат соғлиқ-саломатлик ва узоқ-умр тилаймиз. Фарзандларингиз — Султонбек, Муҳаёхон, Барнохон, Жавлонбек, Раъноҳон, Сурайёҳон, Сувонбек.

Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Амирқул КАРИМОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ (махсус мухбир), Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ